

BAYRAMINGIZ MUBORAK, AZIZ USTOZLAR!



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT **Ma'rifat** XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 29-sentabr, shanba № 78-79 (8520)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!
Мухтарам юртдошлар!

Бугун, мана шу кутлуг айёмда барчамиз учун энг азиз, энг қадрли бўлган фарзандларимизга билим ва тарбия беришдек улуғ ишга бутун борлигини бағишлаган сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни чин қалбимдан табриклаб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги мингминглаб касблар орасида иккита буюк касб — шифокорлик ва ўқитувчилик касби борки, улар, токи ҳаёт бор экан, ўзининг маъно-мазмунини ва олижаноблигини, аҳамиятини ва ҳурматини ҳеч қачон йўқотмайди.

Бугун биз ўқитувчи ва мураббийлар куни деб ном олган гўзал бай-

рамимизни нишонлар эканмиз, ўзининг истеъдоди ва маҳоратини, кўз нури ва қалб кўрини бахш этиб, ёш авлодимизга билим, илму фан сирлари ва одамийлик сабоқларини ўргатадиган сиздек мўтабар зотларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу боис бугун сизларнинг қўлингизда таълим ва тарбия, ҳаётга йўлланма олган, ўзини сизларнинг олдингизда умрбод қарздор деб ҳис этадиган барча инсонлар номидан, ўқув масканларида таълим олаётган миллионлаб ўқувчилар номидан "Раҳмат сизга, муаллим, таъзим сизга, устозлар!" деб миннатдорлик билдиришимиз ҳар томонлама ўринлидир.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Қурбонова Муҳаббат Жабборовна — Шеробод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сейтимбетова Несебели Айтековна — Нукус политехника касбхунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

(Давоми 2-3-бетларда.)

ЮКСАК ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

«Туркистон» саройида ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди



4-бетга
қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2012 йил 1-2 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ашхобод шаҳрида бўлади.

Олий даражадаги учрашув чоғида Ўзбекистон билан Туркменистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинади, шунингдек, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланади.

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди



Дунёда спорт турлари кўп. Лекин улар орасида футбол ўзининг жозибаси билан алоҳида ажралиб туради. Умида бирор марта футбол ўйнамаган ёхуд уни томоша қилмаган одамни учратиш мушкул. Футбол мамлакат шон-шухратини дунёга кенг намоеён этувчи кучли ва таъсирчан воситалардандир.

Тошкентда 2012 йил 28 сентябрь куни «Бунёдкор» спорт комплексининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Бугун биз ўзбек спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдираётган катта воқеа — «Бунёдкор» деб ном олган янги, замонавий, гўзал ва бетакор спорт мажмуасини ишга кириштиш маросимига тўпландик, — деди

Ислом Каримов. — Бу унутилмас воқеанинг аҳамияти ва моҳиятига рамзий маъно ва мазмун берадиган яна бир сана — айни шу кунларда кўпгина маълумотларга кўра ўзбек футболининг майдонга чиққанига роппа-роса 100 йил тўлиши, ҳеч шубҳасиз, барчамизга алоҳида руҳ ва хурсандчилик бағишлайди, бугунги маросимни ҳақиқий тантана даражасига кўтарди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ушбу маросимда қатнашаётган сиз азизларга қаратиб қалбимдаги сўзларни айтмоқчиман.

Аввало, мана шу файзли ва шуқуҳли оқшомда сизлар билан — қадрли ҳамюртларим, спорт ва футбол ишқибозлари билан бирга бугунги тантанادا қатнашиш мен учун катта бахтдир.

(Давоми 5-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистонимизнинг тараққиёти йўлида, биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтарилишдек улғувор вазифани амалга оширишда сиз азизларнинг қўшаётган бекиёс ҳиссангизни баҳолаш учун яна бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Ана шундай ўта оғир ва ўта долзарб, истиқболимизни ҳал қиладиган мақсадга эришиш учун таълим соҳасида чуқур ва пухта ўйланган миллий дастурларимизни тайёрлаш ва амалга оширишда бизнинг охириги 15 йил давомида қилган ишларимизни бутун дунё тан олмоқда.

Бунинг яққол тасдиғини шу йил февраль ойида Тошкент шаҳрида "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция мисолида кўриш мумкин. Ана шу анжуманда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, дунёдаги энг донги чиққан университетларнинг олими ва профессорлари томонидан Ўзбекистоннинг бу соҳада эришган ютуқлари, мамлакатимизнинг таълим модели юксак эътироф этилгани Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янги босқичга кўтаришга катта хизмат қилди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайдими.

Ёшларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб бораётган, илғор хорижий тажрибаларни, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган бундай дастурларни амалга ошириш, аввало, сиз азизларнинг оғир ва мураккаб меҳнатингиз эвазига бўлаётганини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайдими. Ва сизларнинг бу эзгу мақсадга эришиш йўлидаги олижаноб хизматларингизни, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт куриш борасида кўрсатаётган фидойилигингизни ҳамиятимиз, халқимиз доимо юксак қадрлайди.

Шу маънода, 1 октябрь санасини бундан 16 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами деб эълон қилганимиз сиз, азизларга, сизларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингизга элюртимиз, шахсан ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ўзбекистоннинг таълим соҳасига қаратаётган улкан эътиборини тасаввур қилиш учун қуйидаги баъзи бир рақамларни келтириш ўринли, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилмоқда. Кейинги ўн йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсгани, педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу ўринда яна бир мисолга эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этмоқда. Ваҳоланки, дунёдаги кўплаб мамлакатларда бу кўрсаткич 2—5 фоиздан ошмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда 9763та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусика ва санъат мактаби, 143та академик лицей, 1406та касб-хунар коллежи, 59та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилгани, уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланиб бораётгани таълим тизимида биз амалга ошираётган ислохотларнинг микёси ва қўлами нақадар улкан эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошлар! Бугун дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган нотинчлик, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизни ўйлантириши табиий.

Мен сиз, ҳурматли ўқитувчи ва мураббийларни бу муаммоларнинг барчасини қалбидан, юрагидан ўтказиб, улардан тўғри хулоса чиқариб яшайдиган инсонлар сифатида биламан.

Айрим қабих кучлар томонидан ўзининг стратегик мақсадларини кўзлаб, ёвуз ният билан амалга оширилаётган бундай ғаразли ишлардан халқимизни, айниқса, ёшларимизни оғоҳ этиш, миллат ва элатларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринишларнинг ҳақиқий маъносини, уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини очиб беришда, одамларни хушёр ва сезгир бўлиб яшашга, мусоффо осмонимизни, тинч ҳаётимизни кўз қорачигидек асраш ва қадрлашга даъват этишда мен биринчи навбатда сизларга ишонаман ва бундан буён ҳам барчангизни ўзимнинг маслакдошим, деб биламан.

Мен давлат раҳбари сифатида сиз жонкуяр муаллим, мураббий ва домлаларнинг, барча маърифат ахлининг ўз танлаган касбингиздан рози ва мамнун бўлиб яшашингиз учун, Ватан олдида, келахат олдида қилаётган улғу хизматларингизни муносиб тақдирлаш, ҳаётимизда юксак обрў-эътибор топишингиз учун ҳам қонуний, ҳам моддий, ҳам амалий замин тугдириб беришни ўзимнинг нафақат вазифам, балки шарафли бурчим, деб ҳисоблайман.

Азиз ва муҳтарам устозлар! Сизларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сўхат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман. Умингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрли устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Абдуллаева Тайфа Эргашевна — Наманган шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Жомуродов Корёғди Самадович — Жондор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мухамадқулова Улбўсин Эрбўтаевна — Зарбдор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Абдуллаева Латифат Музуровна — Тошкент шаҳридаги «Муруват» ногирон болалар учун 1-интернат уйи тарбиячиси

Абдуллаева Фаридохон Хомидовна — Избоскан туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Азимбаева Нигора Муратовна — Тошкент шаҳридаги «Муруват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

Ашуров Бахтиёр Темирович — Қарши сановат касб-хунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Жабборов Рустам Рахимович — Шовот маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Кенджаев Шавкат Иргашевич — Чилонзор туманидаги 173-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Маматов Кайим Азимович — Самарқанд темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Пулатова Азадаҳон Хошимовна — Кува туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика ва акробатика бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

Рахмонов Исролжон Абдулазизович — Оққўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Санаева Махсуда Халикуловна — Сирдарё вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази директори

Турсунова Мохира Дўстқобиловна — Нурота туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Поливанова Людмила Геннадьевна — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўлими мураббийи

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий гоёга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Бахриева Дилором Муртозоқуловна — Касби туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Зияев Рихсибай Каюмович — Қибрай туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Каримова Малика Мирзабдулаевна — Юнусобод туманидаги 235-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Артикова Наилля Александровна — Бадий жамоалар иждоий бирлашмаси «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли бош балетмейстери, Тошкент шаҳри

Бозоров Абдуқайом Каримович — Балиқчи туманидаги 12-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қобилова Бахти Нормуратовна — Жиззах шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мирзаев Рустам Абраймович — Каттақўрғон туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мирзаев Хасанбай Номирзаевич — Норин қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мустанова Нодира Гайбуллаевна — Шарғун қурилиш касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Низамова Тожинар Артикбаевна — Гулистон шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Нурматова Зулхумор Ҳакимовна — Олтиқўрғон туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Раҳманов Хайитбай — Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Сметова Злиха Кошкинбаевна — Шуманай туманидаги 33-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султанова Наргиза Таджикуловна — Ангрен тиббиёт коллежининг физика ва астрономия фанлари ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тиллаев Қахрамон Мухаммадиевич — Шофиркон маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хамроев Ражаббой Қўлдошович — Навбахор саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Шодиева Феруза Арабовна — Косон туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қашқадарё вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Бадалов Шавкат Азимович — Жиззах туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

Манбатова Мукаддам Хамдамовна — Косонсой туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мухамедов Тахир Талибжанович — Мирзобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Ахмаджонов Баходир Нематжонович — Марҳамат туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Генжемуратова Гулсара Оралбаевна — Қораўзақ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Долгова Ольга Владимировна — Охангарон туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Игамбердиев Жура Мамашукурович — Ангор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Казинатэлла Шамильевна — Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Қаршибаева Озода Усанбаевна — Фарғона шаҳридаги имкониётлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қаршиева Зулхумор Абдуганиевна — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Қариева Шоира Шамсиддиновна — Пешку туманидаги 29-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг баскетбол бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Насиров Эркин Ражабович — Каттакўрғон шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Низамова Матлюба Икромовна — Мингбулоқ маиший хизмат касб-хунар коллежининг оила психологияси фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Серикбаева Рискул Хожабаевна — Кониимех туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Навоий вилояти

Усманова Фазилат Джурбаевна — Шахрисабз қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Файзиев Облокул Унарович — Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Жиззах вилояти

Хабибуллаева Мухаббат Азаматовна — Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«Шухрат» медали билан

Акбарова Зайнабхон Обидовна — Данғара саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ахатов Уктам Халилович — Яқабғон туманидаги 77-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ахмедова Замира Аминовна — Когон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Бекчанова Ойгул Насруллаевна — Хазорасп туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Болиева Матлюба Норбоевна — Иштихон туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Бухарбаева Бахтигул Джолдасовна — Чимбой туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жаксимуратов Даулбай Матмуратович — Мўйноқ саноат-транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жалилов Зокир Абдужалолович — Фаллаорол саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Жиззах вилояти

Жиемуратова Назира Шамуратовна — Кегейли туманидаги 55-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жураева Гулчехра Мусурмановна — Узун педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жўрабекова Одина Хуршидовна — Учқўприк саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Иноятлова Матлюба Нусратиллоевна — Бухоро туризм коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Исломова Мархаба Мамановна — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов

номли академик лицейи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

Исмазова Мамлакат Икромовна — Бухоро вилояти 32-мехрибонлик уйи тарбиячиси

Карабаева Махбуба Курбоневна — Пастдаргом тиббиёт коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Самарқанд вилояти

Каримов Юнусжон Мирзарахимович — Тўрақўрғон туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Комилов Шерзодбек Фуломидинович — Асака автомобилсозлик касб-хунар коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари, Андижон вилояти

Косимов Илхомжон Солижанович — Андижон автомобил йўллари қурилиши касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кувандикова Джамила Яхшибаевна — Навоий шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Навоий вилояти

Кулдашева Дилфуза Мамасолиевна — Наманган муҳандислик педагогика институти қошидаги Учқўрғон академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Лоскутова Оксана Анатольевна — Миробод туманидаги 32-мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

Марулов Каримжан Марубжанович — Чуст туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Муталова Гулчехра Хамидовна — Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Намазов Абдураим Аманович — Термиз туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Сурхондарё вилояти

Низомова Барчиной Назировна — Бешариқ қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Нурллаева Гулчехра Атабаевна — Хива миллий унармандчилиги ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Очилова Гулмехра Нишоновна — Қизилтепа туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Пардаев Абдугани Мирзаевич — Олтинсой туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Рахимовна Гулнора Пирназаровна — Урганч маиший хизмат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Хоразм вилояти

Рахимова Нилуфар Неъматовна — Пахтачи туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг био-

логия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Саидова Шахло Норматовна — Фўзор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Сафаров Нурулло Примович — Қорақўл туманидаги 16-болалар мусика ва санъат мактабининг қашқар рубоби синфи ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Султанова Назимат Хожиевна — Китоб агросаноат касб-хунар коллежи директори, Қашқадарё вилояти

Тагажанова Муяссар Насиралиевна — Янгийўл туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тлеуова Гульназ Кадирниязовна — Нукус агроиктисодиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тошматова Дилфуза Алибоевна — Сарийосиё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Турсунбаев Нигматилла Юлдашев — Чилонзор тиббиёт коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Умарова Дилфуза Исмаиловна — Жалолқудук туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Усмонова Мархаба Файзуллаевна — Нуробод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Фатхуллаева Мукаддам Рахимджановна — Зангиота тиббиёт коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Тошкент вилояти

Халметова Захра Абдуғафуровна — Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Хожаназарова Закира Абдуалиевна — Қонлиқўл туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Холжигитов Турғун Абдуназарович — Булунгур қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хомидов Дилшодбек Боходирович — Шахрихон туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Шерматов Саид Назарович — Ховос транспорт касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Эргашева Айқумуш Хушвактовна — Қарши шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Юнусов Абдусайд Эргашевич — Ўзбекистон туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni



Дунёдаги минглаб касбу хуналар ичра энг шарафлиси — ўқитувчилик. Негаки, устоз-мураббийлар эртадан эгаларига таълим-тарбия беришдек улғушга умрини бағишлайдилар. Уларнинг сабоғидан она Ватани таниймиз, ўзликни англаймиз. Шу боис халқимиз азал-азалдан биргина ҳарф ўргатган инсонни ҳам бошига кўтариб, ота-онадек ардоқлашни асл қадрият ҳисоблайди. Мустақиллик йилларида мана шу силсиланинг узвий давоми ўлароқ 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Кuni кеча ушбу умумхалқ байрами муносабати билан юртимизнинг турли гушаларидан пойтахтимизга келган эл ардоғидаги устоз-мураббийлар, илгор педагоглар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари мутасаддилари истиқлолимиз ва порлоқ истиқболимиз, эзгу орзуниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди.

— Бугунги кунда юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хуналарга эга ёшларга мамлакатнинг буюк келажагини таъминлайдиган асосий куч сифатида қаралмоқда, — дейди Андижон шаҳридаги 31-умумтаълим мактаби директори, «Шухрат» медали соҳиби Гулнора Қодирова. — Бахтиёр она ҳайкали пойига гул қўяётиб, яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга бор куч-гайратимизни сарф қилишимиз лозимлигини янада чуқурроқ ҳис этдик.

Байрамнинг асосий тантаналари «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтди. Тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, таълим соҳаси фахрийлари, илгор ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар, маънавий тарбиячилари, маҳалла фаоллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг юртимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 сентябрдаги фармонида кўра Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она-юртга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигида соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хуналарни ўргатишдаги жонқуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун кўплаб фидойи ва ташаббускор муаллимларимиз давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган, изчил амалга оширилган, дунёда ўхшаши кам бўлган умуммиллий дастуруларимиз тўғрисида таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод соҳибларини кўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилди. Зеро, бугунги кунда

ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг ривожланиш кўрсаткичи, аввало, унинг инсон капиталига, инсон ривожига эътибори, бу борадаги саъй-ҳаракатлари билан ўлланади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик тантаналари арафасида дунё бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди. Фран-

ишлари олиб борилиб, моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланди. Янгидан қад ростланган замонавий билим масканлари шаҳару қишлоқларимиздаги энг қурак иншоотларга айланмоқда.

— Пойтахтимиздаги таълим, маданий-маърифий, спорт-со-

фаолиятини рағбатлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Кейинги ўн йилда халқ таълими тизими ходимларининг ойлик маоши иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсди. Иزلанувчан, ташаббускор, ижодкор ўқитувчилар меҳнати баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий механизми жорий этилди. Педагогик юклар билан қайта кўриб чиқилган устоз-мураббийлар маҳорати ва масъулиятини оширишда кўп келмоқда. Бундай ғамхўрлик, рағбат ва эътибор ўқитувчиларни ўз устида ишлашга, таълим жараёнига илгор педагогик ва инновацион технологияларни жорий

ликсидида хизмат кўрсатган маданият ходими, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Саъдулла Ҳакимов навқирон авлод камолоти, ўқитувчиларга кўрсатилаётган кечиксиз ғамхўрликни улғувчи шеърларини ўқиб берди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаб директори» республика кўрик-танловлари ғолибларига дипломлар топширилди.

Эл севган хонандаларнинг дилтортар қўшиқлари кечага ўзгача фойз бағишлаб, кўнгулларга завқу шавқ улашди. «Баркамол авлод» марказларида ўз иқтидорини ривожлантираётган болакай ва қизалоқлар гўзал рақслари билан барчани мафтун этди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Ҳаяжон ва қувончларга бой ўқитувчи ва мураббийлар кuni умумхалқ байрамнинг асосий тадбири ана шундай кўтаринки руҳда ўтди. Устозлар шаънига айтиладиган тилакларнинг эса адоғи йўқ. Шу боис байрам шодиёналари ҳали жойларда давом этиши шубҳасиз. Барчамиз учун энг азиз, энг қадрли бўлган фарзандларимиз таълим-тарбиясига ҳаётини бахшида этган инсонлар ҳар қандай юксак эҳтиромга муносибдир.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ЮКСАК ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди



циянинг нуфузли «Insead» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан тайёрланиб, жорий йилнинг 3 июлида эълон қилинган «2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекс» номи тахлилий маърузада Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллади. Бу эса юртимизда ёш авлоднинг чуқур таълим-тарбия олиши учун катта моддий-техник база яратилгани, айна вақтда таълим сифатини такомиллаштириш ишлари жадал суръатда олиб борилаётганига берилган ҳолис баҳодир.

Ўқитувчи ва мураббийлар кuni муносабати билан 27 сентябрь кuni ўтказилган «Таълим ва тарбия уйғунлиги — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омил» мавзусидаги матбуот анжуманида таъкидланганидек, Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш ва ислоҳ этиш учун йилгига мамлакат ялли ички маҳсулотининг 10-12 фоизи сарфланади, бу давлат бюджетга харажатларининг 35 фоиздан ортигини ташкил этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда 9763та умумтаълим мактаби, 300дан зиёд мусиқа ва санъат мактаби, 143та академик лицей, 1406та касб-хуна коллежи, 59та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш

ломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишиб, биздаги шароитлар ҳам шаҳарниқин асло қолишмаслигига амин бўлдик, — дейди Жондор туманидаги 22-умумтаълим муассасаси раҳбари, «Йилнинг энг яхши мактаб директори» республика кўрик-танлови ғолиби Мустаҳкам Ёриев. — Таъкидлашни хоҳлардимки, пойтахтга бу галги сафарим ҳам олам-олам таассуротларга бой бўлди: сўнгги бир йил ичидаги бемисл ўзгаришлар, улкан бунёдкорликларни ўз кўзим билан кўрдим. Тантана арафасида республикамизнинг турли гушаларидан келган ҳамкасблар билан азим ва гўзал шахримизнинг мушташам майдонлари, янгидан бунёд этилган истиқлол иншоотлари бўйлаб сайр қилдик. Шахидлар хотираси мажмуаси, Темурийлар тарихи давлат музейи ва Алишер Навоий номидаги Миллий боғдай бўлди. Байрам тадбирларида қатнашиб, юртимизда ҳар бир инсон, шу жумладан, устоз ва мураббийлар доимо эъзозда эканини ич-ичимиздан туймоқдамиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни қайғириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юртимиз халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 416 мингдан зиёд ўқитувчи

этишга ундаётир. Устоз-мураббийларимизнинг фидокорона меҳнатлари самараси ёш авлод эришаётган ютуқларда ўз аксини топмоқда.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан Наманган шаҳридаги 25-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Муқаддам Иззатуллева, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар. Ўзбекистон Респуб-



УСТОЗ МУАЛЛИМ

*Элим деган эр йигит аҳди эл ўғлига мос,
Меҳрибонлик онадан, мардик отадан мерос,
Ор учун жонини тикмоқ — фидойи инсонга хос,
Эй, сиз устоз муаллим, закий ва донишманд зот,
Сиздан дарс олиб ўсар овоз ва эркин авлод.*

*Тупроқ остига зинҳор тушмасди, агар уруғ
Билимсиз бола каби бўлмаса кўзи юмуғ,
Кўз очди, сўнг ер ёриб, кўтарди лоладан туғ,
Эй, сиз устоз муаллим, закий ва донишманд зот,
Сиздан дарс олиб ўсар овоз ва эркин авлод.*

*Таълим берган устози яшаган уй олдидан
Шогирд подшо бўлса ҳам тушиб ўтар отидан.
Бундай ибрат топиламан тарихлар бисотидан,
Эй, сиз устоз муаллим, закий ва донишманд зот,
Сиздан дарс олиб ўсар овоз ва эркин авлод.*

*Бугун ҳур Ўзбекистон улкан маърифатхона,
Ҳар ўғил-қиз қалбида фикр очар замона,
Азму ният — жаҳоний, оқибат — ўзбекона,
Эй, сиз устоз муаллим, закий ва донишманд зот,
Сиздан дарс олиб ўсар овоз ва эркин авлод.*

*Сизнинг меҳр тафтингиз ҳар бир дилни яйратар,
Забонини булбулдай сара сўзда сайратар,
Булоқ сувидек тошар кўнгулдаги ҳайратлар,
Эй, сиз устоз муаллим, закий ва донишманд зот,
Сиздан дарс олиб ўсар овоз ва эркин авлод!*

Саъдулла ҲАКИМ


ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бундай улуг'вор ва ҳашаматли, ўзидан 7та замонавий футбол майдонини, болалар ва ўсмирлар футбол мактаби, ётоқхоналар, бассейни ва бошқа бир қатор керакли объектларни муҷассам этган, жами 56 гектар ерни эгаллаган бу мажмуа пойтахтимиз — азим Тошкентимизда қисқа даврда қад ростлагани, ҳақиқатан ҳам, барчамизга мўъжизадай туюлади.

Дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойи йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришдик, деган шукроналик ҳиссиёти беихтиёр қалбимизни тўлдиради, десам, адашмаган бўламан, деди Президентимиз.

Ҳеч шубҳасиз, бундай гўзал, ҳар қандай юксак талабларга жавоб берадиган салобатли ва кўркем спорт мажмуасини барпо этганимиз биз учун энг устувор,



қилишини, спортчиларимизга янада юксак галабалар ёр бўлишини, бундан спорт муҳлислари қалбида фахр-ифтихор туйғулари жўш уришини тилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграйди.

Йирик экранда мустақил Ўзбекистоннинг улкан ютуқлари, бунёд этилган

юксак самараларини бермоқда. ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг жаҳон футболдаги юксак мавқеи, ногирон-ампутант футболчиларимиз икки маротаба жаҳон чемпионлигига сазовор бўлгани, ёш футболчиларимизнинг Мексикада ўтган жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли иштироки, «Бунёдкор», «Пахтакор», «Нефтчи», «Насаф» каби клубларимизнинг Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги беллашувларидаги қизиқарли ўйинлари бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканларини бунёд этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга ошириляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011—2013 йилларда мамлакатимизда футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга доир қарорига мувофиқ янги стадионлар барпо этилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кўчатириш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Тошкентда қуриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси мазкур йўналишда изчил давом этаётган ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир. Ушбу муҳташам мажмуа барча футбол муҳлисларига, бутун халқимизга муносиб совға бўлди.



Президентимиз Ислам Каримов ғояси ва таклифлари асосида барпо этилган «Бунёдкор» спорт мажмуаси ўзининг ноёб меъморий ва муҳандислик ечими, бетакрор дизайни билан пойтахтимиз кўркам кўрк қўшди. Энг замонавий талаблар асосида барпо этилган ушбу мажмуада футболчилар, мураббийлар, ҳакамлар, муҳлислар учун барча шароитлар ва қўлайликлар яратилган.

— Президентимиз ташаббуси асосида бунёд этилган бундай замонавий спорт иншоотлари ўзбек футболни жаҳон талаблари даражасида тараққий эттириш йўлидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омили бўлади, — дейди Республика Олимпия заҳиралари коллежи директори Мурод Алиев.

...Майдонга «Умид ниҳоллари», «Баркамол ав-

лод», Универсиада мусобақаларини акс эттирувчи бадий ва спорт жамоалари чиқадилар. Улар ижросида Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимиз ўртасида спортни, шу жумладан, футболни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни ифода этувчи бадий композициялар намоиш этилди.

Ўзбекистон — иқтидорларга бой юрт. Шу жумладан, футбол бўйича ҳам. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган, айни пайтда қатор мамлакатлар томонидан ноёб тажриба сифатида ўрганилаётган болалар спортини ривожлантириш тизимида болалар ва ўсмирлар футболни тараққий эттириш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Зеро, болалар футболни рағбат топтирмасдан, юқори савиядаги катталар футболга эришиб бўлмайди. Мамлакатимиздаги кўплаб болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари ва академиялари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, олимпия заҳира-



энг олий мақсад бўлмиш болаларимизни, ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимиз, футболчиларимизнинг жаҳон спорт майдонларида юксак марраларни эгаллашга, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг гарови сифатида хизмат қилажак.

Лунда қилиб айтганда, бундай замонавий иншоотлар Ўзбекистоннинг куч-қудратини мустаҳкамлашда, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шиорни амалга оширишда ишончли замин бўлажак.

Давлатимиз раҳбари бутун халқимизнинг дилидаги орзу-истакларни ифода этар экан, мамлакатимизда бундай буюк иншоотлар кўпайишини, юртимиз кўркам кўрк қўлишини, улар халқимизга хизмат

ноёб иншоотлар, амалга оширилган ислохотлар натижалари, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимизнинг ҳаёти, мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришяётган зафарлари, юртимизда спортни оммалаштириш борасида олиб борилаётган ишларни акс эттирувчи видеотасвирлар намоиш этилди.

Майдонга «Бунёдкор» ва «Пахтакор» футбол жамоалари чиқиб келади.

Мамлакатимизнинг икки етакчи клуби ўртасидаги ўртоқлик учрашуви 3:3 ҳисобида дуранг билан якунланди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва гамхўрлиги ўзининг

лари коллежларида маҳоратли футболчилар авлоди тайёрланмоқда.

Ўзбекистон футболни ривожлантириш бўйича Осиёдаги етакчи мамлакатлардан биридир. Миллий футболни амалда уюшмалари Федерацияси (ФИФА) ва Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) талаблари асосида профессионал кадрларни тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

...Болалар бадий жамоалари, акробатлар, гимнастикчилар, хореография ва спорт жамоалари, эстрада хонандаларининг ранг-баранг чиқишлари байрам тантанасига ўзгача шукуҳ бағишлади.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎзА муҳбири

Сарвар ЎРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган суратлар.



❖ Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида "Сут — мактаблар учун" лойиҳаси бўйича якуний анжуман бўлиб ўтди.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазириликлари ҳамкорлигида ташкил қилинган тадбирда сенаторлар, депутатлар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, шифокорлар, ўқитувчилар, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари иштирок этди.

Лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги 44 умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчилари ультрапастеризацияланган сут билан таъминланди. Уларнинг саломатлиги шифокорлар томонидан кузатиб ва таҳлил қилиб борилди. Натижада болаларнинг ўсиши, ривожланиши, организмидagi моддалар алмашинуви яхшилангани кузатилди. Лойиҳа доирасида мутахассислар, шифокорлар, педагоглар, ота-оналар иштирокида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид туркум анжуманлар ўтказилди.

Семинарда "Сут — мактаблар учун" лойиҳаси қамровини янада кенгайтиришга оид амалий таклиф ва режалар белгилаб олинди.

❖ "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан жорий йилнинг 4—9 октябр кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган "Art Week Style.uz — 2012" санъат ҳафталигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бу йилги санъат байрами дорасида ўтказиладиган "Олтин Гепард" иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми, "Theatre.UZ/2012" халқаро театр фестивали, олтинчи халқаро Тошкент фотобиеннаlesi каби йилги лойиҳалар қўллаб-қувватлаш, анжуманлар, кўргазма ва премьераларни ўз ичига олади. Ушбу тадбирларда ҳамюртларимиз билан бирга жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган режиссёрлар, дизайнерлар, актёрлар, продюсерлар, моделлар, фотосуратчилар, санъатшунослар, рассомлар иштирок этади.

Мазкур санъат ҳафталиги йил сайин оммавийлашиб, ижтимоий аҳамият касб этиб бораётгани диққатга сазовордир. Жумладан, ҳафталик доирасида аёлларда учрайдиган саратон хасталикларининг олдини олишга оид акциялар, хайрия аукционлари бўлиб ўтади. Тўпланган маблағлар ушбу хавфли касаллик профилактикасига йўналтирилади.

❖ Тошкентда "Бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ ижтимоий ҳамкорлигининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

❖ "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган "Қелажақ овози — 2012" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

2005 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган "Қелажақ овози" танлови 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларга архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинациялар бўйича ўз қобилиятини намойиш этиш имконини бермоқда.

Бу йилги танловнинг Тошкент шаҳар босқичида 1100дан ортиқ ёшлар иштирок этиб, 47 нафари финал босқичига йўллангани қўлга киритди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Чекка қишлоқда қад ростлаган замонавий мактаб

Ҳар кун тахририятимизга юзлаб мактублар келади. Уларнинг аксариятида жойларда амалга оширилаётган таълим ислохотлари, қурилиш ва бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. Яқинда Фарғона вилояти Сўх туманидаги 6-умумтаълим мактаби жамоасидан ҳам ана шундай миннатдорлик хати олдик. Мактубда, жумладан, шундай дейилади:

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик тантаналари мамлакатимизнинг олис ва чегара ҳудуди ҳисобланган Сўх туманидаги Малбўд қишлоғи аҳли учун қўшалоқ байрамга айланиб кетди. Туман марказидан 12 км узоқликда, икки тоғ орасида жойлашган ҳудудда 160 ўринли янги замонавий ва кўркем мак-

Мактуб

таб биноси қад ростлади.

Бугун каттаю кичикнинг дилида давлатимиз, шахсан Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибори ғамхўрликдан мамнунлик туйғуси жўш урмоқда. Истиқлол йилларида на-

фақат вилоят ва туман марказлари, балки қишлоқларимиз ҳам кўркемлашиб бормоқда. Малбўдда қад ростлаган билим маскани фикримизнинг тасдиғидир.

Янги мактаб биносининг очилиш маросими катта тантанга айланиб кетди. Тадбирда туман ҳокими Т.Раҳимов, туман ХТМФМТТЭ бўлими мудири В.Ақбаров йиғилганларни қўшалоқ айём билан қўлади. Янги ўқув йилини жаҳон талабларига жавоб берадиган мактабда бошалаётган ёшлар эса ўз ютуқлари билан юртимиз тараққиёти учун ҳисса қўшишга ваъда беришди.

Сиз ҳаёт боғининг боғбонларисиз!

Одамзод ҳамиша ота-онаси қатори яна бир азиз зот — устози олдида ўзини бурчдор ва қарздор ҳис этиб яшайди. Бу бурч, айниқса, бизнинг минтақимизга, қарашларимизга муносабатларимизга ҳамоҳанг бўлгани боис мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларга ўзгача иззат-икром кўрсатилади.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши, Тошкент вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгаши, Таълим, фан ва маданият ходимлари Тошкент вилоят кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган "Таъзим сизга, устозлар!" дея номланган тадбир давомида ҳам ана шу руҳ кезиб юрди гўё.

Тошкент вилоятининг турли ҳудудларидан келган устоз-мураббийлар дастлаб Зангиота мажмуасини зиёрат қилдилар. Истиқлол йилларида чирой очиб, қайтадан таъмирланган муқаддас қадамжо атрофидаги ободончилик ишлари, борлиққа ажиб ғўзаллик улашиб турган ям-яшил арчаларнинг таровати зиёратчиларда илиқ таассурот қолдирди. Байрамона

безатилган дастурхон атрофидаги ана шундай кайфият билан бошланган ширин суҳбатлар табиий равишда таълим тизимидаги янгиланишлар, ўзаро тажриба алмашиш бўйича гурунгда улашиб кетди.

Тадбирнинг тантанали қисмида эса бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, фидойи ўқитувчи ва мураббийлар, соҳа ходимлари таълим-лотчиларнинг эсдалик совғалари, республикамиздаги турли сийҳатгоҳларда даволаниб, саломатликларини тиклашлари учун имтиёзли йўлланмалар топширилди.

— Сизнинг заҳматли меҳнатларингизни ҳар дақиқа ҳис этиб турамиз. Жамият тараққиёти, эртаси сиз қамолга етказайтган баркамол авлод қўлидадир, — деди ўз сўзида Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши раиси Равшан Бедилев.

Кечага "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг ҳушовоз хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар янада файз киритди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Пойтахт бўйлаб

ёш педагоглар саёҳати

Республикамизнинг энг чекка ва экологик шароити оғир ҳудудларидан бири — Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туманларидан 20 нафар ёш педагоглар оиласи уч кун давомида пойтахтимизга саёҳат уюштирди.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур тадбир "Мустақкам оила йили"га бағишлаб, "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида ўтказилди.

Дам олувчилар саёҳатнинг биринчи ярмида Мустақиллик майдони, "Шаҳидлар

хотираси" ёдгорлик мажмуаси ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлишди.

Ҳар қандай муаллим ўқувчига бирор нарсани ўргатишдан олдин ўзи яхши билиши, ҳис этиши лозим. Ана шунда билимини ўқувчи қалбига чуқурроқ сингдира олади. Ўқитувчилар саёҳати "Ҳазрати Имом" мажмуаси ҳамда Ўзбекистон тарихи дав-

лат музейида давом этди.

— Биз Сарийосиё марказидан 80 километр узоқда жойлашган Сангардак қишлоғиданмиз, — дейди ҳуқуқ фани ўқитувчиси Чамангул опа ва турмуш ўртоғи география фани ўқитувчиси Абдуманнон ака Жумаев. — Юртимизнинг мана шундай энг кўркем жойларини, тарихий масканларини кўришни орзу қилардик. Бу каби тадбирлар бизде олис ҳудудларда яшаб, меҳнат қилаётган устоз-мураббийларга кўрсатилаётган эътибор намунасидир.

Дам олиш саёҳати Муқимий номидаги мусиқали драма театрида спектакл томошаси билан ўз ниҳоясига етди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Ma'rifat" мухбири

Қўлигул кулол бежирим ва чиройли кўза ясаб, мохир қурувчи мухташам ва мустақкам бино қуриб, ўқитувчи эса салоҳиятли ва билимли авлодни тарбиялаб олқши олади.



Шу маънода педагогларга катта масъулият ва вазифалар юклатилган. Бугун уларга ҳар қачонгидан-да юксак ғамхўрлик, эъзоз ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Олмазор тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими уюштирган байрам дастури ҳам фикримиз исботидир. "Байрамнинг муборак, азиз устозлар!" мавзусида ўтказилган тадбирда билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаган иқтидорли ўқувчиларнинг устозлари тақдирланди.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

«МЕН МАКТАБДА ЎҚИТУВЧИНГМАН!»

Бир сафар дарсда янглишиб, Юлдуз муаллимни «она» деб чақириб юборибман. Хатоимни сезиб, кўриб кетдим. Чунки «Мен мактабда ўқитувчинг, уйда онангман» деган гап қўлогимга кўрғошиндай қўйилган-да. Вазифалар синфдошларимдан ўн чандон сўралса, мендан юз чандон талаб қили-

МУАЛЛИМ ХИЗМАТДА ЭКАН...

Устозлар байрами, хайит кунлари уйимиз Юлдуз муаллимнинг шоғирдлари билан бўлиб кетади. Бир гал меҳмонга келган синфдошларим ҳайрон қолишган: — «И-е, онанг уйда ўқитувчи эмасми?!». Онамнинг очик чеҳра билан кутиб олиши, менга ўқувчи эмас, ўз фарзандидек муома-

— Онаси, конфетдан алоҳида-алоҳида икки бўлак олдим.
— Яхши қилибсиз, — дея онам бир қисмини четга олиб қўйди.

— Бирор кимни йўқлашга борасизми? — деган саволимга:

— Йўғ-э, ўқувчиларимга-да, — деб жавоб берди.

Отам ҳам энди бу ҳолатни оиламиз аъёнасидек қабул қилганди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ БОЛАСИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

нарни. Сабаби, «Ўқитувчининг боласи»! Агар сен жавоб беролмасанг, бошқа ўқувчиларга талабчан бўлишга ҳаққим йўқ. «Ўзининг қизи-чи?!» деган таъна тилларига кўчмаса ҳам, қарашларида зоҳир бўлишини хоҳламайман...». Хуллас, Юлдуз муаллим бу чақиргимни «эшитмади». Одатдагидай «муаллим» деб мурожаат қилганимдан кейингина менга қайрилиб қаради.

МАҚСАДМИ, ТАЛАБ?!

Қаътий талабаларга дош беролмадимми, она тили ва адабиёт фанига қизиқишим устун келдими-ҳарқалай, минг кўрқув ва титроқ ичида юрак ютиб, Юлдуз муаллимга гапиришга журъат топдим:

— Ижтимоий фанлардан олимпиадага борсам майлими? — Масалан?

— Она тили ва адабиёт... Бу ёнга овозим чиқмай, сикингина мингирлайман.

— Хўп яхши, фақат ўша шарт ўз кучида қолади.

Ҳа, аввалдан мақсадми, талабми, аниқ қўйилганди: олимпиадада ўрин олишинг керак!

Шу бўлди-ю, Ойхол муаллим раҳбарлигида вилоят, республика босқичларида муваффақиятли иштирок этдим. Укасингилларим эса ўттиз ўн йиллик таърибига эга педагог онам раҳбарлигида фан олимпиадаларида математикадан ижобий натижаларни қўлга киритишди.

ла қилишига одатланмаган-да. Девордармиён қўшнимиз Ойражаб ҳола кичик ўғлига суннат тўйи қиладиган бўлди. Эл хатосиз келадиган ошда ўқувчилар кам кўринарди. Ваҳоланки, қишлоқ тўйлари болалар билан гавжум бўлади. Эртаси куни мактабда ҳамма тўйни муҳокама қилишди. Наргиза Дилшоодадан сўради:

— Кеча тўйга бордингми?

— Бордим ҳам, бормадим ҳам.

— Бу нима деганинг.

— Эй, Юлдуз муаллим хизматда экан. Дарс тайёрламай, тўйма-тўй юрибди, деб ўйла-маслиги учун тўйхонага киролмадим...

ЎҚУВЧИ ҲАҚҚИ

Отам бозордан оиламиз ризқини кўтариб келса, албатта, иккига бўлинарди: бир қисми бизга, иккинчи бўлаги онамнинг ўқувчиларига.

Йигирма йиллар муқаддам чекка ҳудудларда кофе ва цитрус мевалар кам учрарди. Шаҳарга ҳамёнини қаппайтириб борганина бундай камёб маҳсулотлардан олиб кела оларди. Отам оғзимиз тегишини иситаб, бизга илинган тансиқ егуликлардан Юлдуз муаллим шоғирдлари насибасини ажратиб кўярди: «Ўқувчиларим совуқ синфда ўтирибди, иссиқина кофе дамлаб берсам, мияси яхши ишлайди...».

Яқиндагина болагим ўтган уйга борсам, отам бозордан ҳар галгидай тўлиб-тошиб келди.

МАШАҚҚАТЛАР КЕЛТИРГАН ШАРАФ

Биз фарзандларини дунёга келтиргач, қақалоқнинг чилласи чиқишини ва тезроқ мактабга бориб, дарс ўтишни соғинган Юлдуз муаллимнинг бирор ой меҳнат таътили олиб, уйда ўтирганини ҳеч ким эслолмайди.

Халқнинг боласини тарбия қилишдан олдин ўз оиласида ҳам ҳамма ҳавас қиладиган муҳит яратишнинг уддасидан чиқиш учунми, ҳижжалаб ўқий бошлаганимиздан қўлимизга китоб тутқазиб, ҳар кунлик меъёрни белгилаб берарди. Китобни севишга, ҳар бир дақиқани бекор ўтказмасликка, меҳнаткашликка уришмасдан, бақир-чақир қилмасдан, аммо қатъийлик билан ўргатган ўқитувчи — онамнинг ўша пайтлари бизни нега «қийнаганини» энди тушуниб етаялман.

Ҳайвонлар билан қўйишда ўқитувчининг боласи бўлиш биз фарзандларга катта масъулият, ҳатто оғир қийинчилик юклаган бўлса, энди ўша машаққатлар шараф бўлиб ёғилмоқда. Оддийгина мисол: кичик бир ютуққа эришсак ҳам атрофдагилардан «Ўқитувчининг боласи-да!» деган эътироф эшитамиз. Умуман, бошқа педагогларнинг ҳам ўғил-қизлари ҳақида айтилган «Муаллимнинг фарзандидан ёмонлик чиқмайди» деган гаплар қулоққа ёқимли туюлади...

Насиба ЭРХОНОВА,
халқ таълими аълочиси



ИЗЛАНУВЧАН МУАЛЛИМА

Дарсларни илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ноанъанавий усулларда олиб бориш ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширади. Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Назира Сирожиддинова ўз ишига шу нуқтаи назардан ёндашади.

Н.Сирожиддинова дарсларини қизиқарли ва самарали ўтиш учун пухта тайёргарлик кўради. Дарс жараёнида кўрғазмали воситалар, зарур ўқув жиҳозлари ва адабиётлардан фойдаланиб, ўқувчилар билимини янада мустаҳкамлаш учун тарихий саналар, воқеаларга оид қизиқарли савол-жавоблар ташкил қилади. Изланувчан муаллима ҳар бир ўқувчи билан алоҳида иш олиб боришни йўлга қўйган.

Суратда: Қувасой шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Назира Сирожиддинова ўқувчилари Зарина Мирзаева ва Санжар Ҳамралиев билан.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган сурат.

БАТАННИНГ БИР БЎЛАГИ

Маҳалла идорасига кирган аёлнинг юзи таниш. Аммо Тўлқин ака уни қачон, қаерда кўрганини эслолмайди.

— Раис бува, сизга миннатдорлик билдиргани келдим! — деди ҳалиги аёл салом-алиқдан сўнг. — Иккинчи турмуш ўртоғим фарзандларимга ўғай ота бўлгани учун жуда хайкиб, кўриб яшардик. Ўғлимнинг тарбиясига бу ҳолат салбий таъсир кўрсатиб, майда безорилик кўчасига кирди. Ўсмирлик даврида ўғил болаларни назоратга олиш қийин бўларкан. Яхшиям, сизлар бор экансиз, боламнинг ўқитувчиларига ҳам раҳмат!

Оқсоқол бўлган воқеани тинглагач, аёлни яхши эслади. Икки йил муқаддам маҳалла ҳудудидаги мактабда ўқийдиган бир боланинг майда безорилик қилганидан хабар топилди. Кунларнинг бирида ўзидан каттароқ ёшдаги таниш болалар билан макултура топиришга келган кишининг пулини тортиб олади. Жабрдийда участка нозирига бўлган воқеани айтиб берган, сўраб-суриштириш натижасида айбдорлар аниқлиниб, йигитчани қўллашиб тарбиялашга киришдилар.

Бу ишга Тўлқин Хушвақтов бош-қош бўлди. Йигитчанинг ўқиси, хулқи назоратга олинди. Олти ой мобайнида руҳий дунёсига ижобий таъсир этувчи панд-насихатлар берилди. Яхши сўз — жон озиғи, деганларидек, оталарча гамхўрлик сабаб ноқоиз йўлга кириб кетиш арафасида турган боланинг руҳиятини ижобий томонга ўзгартиришга эришилди.

— Ҳозир ўғлингиз қаерда ўқияпти?

— Мирзо Улугбек туманидаги иқтисодиёт ва бизнес коллежиди.

— Яхши, синглим, миннатдорлигингиз учун сизга ҳам раҳмат!

Меҳмонни кузата туриб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Хушвақтов ўйлаб қолдики, чиндан ҳам, маҳалланинг таъсир кучини, тарбиячилик ролини ўзбек халқчилиги ҳеч бир миллат чўқур ҳис қила олмас керак. Бу тузилма мустақиллик йиллари алоҳида ижтимоий институт сифатида шаклланди, жамият ҳаётида ўзига хос ўрин ва мавқеа эгаллади.

Маҳалла институтининг ҳозирги гло-

баллашув давридаги таъсир кучини ошириш, азалий аъёналар ва урф-одатлардан фойдаланган ҳолда фарзандларимизни оқил, доно, тadbиркор ва уddaбурон қилиб тарбиялашга давлат миқёсида аҳамият берилётгани ҳам бежиз эмас. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 19 июндаги «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бoшқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-таdbирлари тўғрисида»ги 175-қарорини пойтахтининг Хамза туманида жойлашган Шароф Рашидов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари ҳам муфассал ўрганиб чиқди. Ушбу қарорга мувофиқ, ишлар қўлама янада кенгайди, жамоат кенгашини тузиш, унинг қучидан ёшларни ҳар жиҳатдан жамиятга муносиб қилиб тарбиялаш мақсадларида фойдаланиш зарурати туғилди. Маҳалла фуқаролар йиғини қошида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги» жамоат кен-

гашининг 87 кишидан иборат таркиби шакллантирилди.

— Худудимизда 7 минг киши доимий рўйхатга олинган. Шундан 2300 нафари вояга етмаган ёшлар. Худудимизда битта, умумтаълим мактаби, кўзи ожиз болалар мактаб-интернати жойлашган. Албатта, ўғил-қизларимиз яшаш тарзи, оилавий муҳити, тарбияланиш усуллари билан бир-бирларидан фарқланади. Маҳалла фаоллари ва янги жамоат кенгаши аъзолари томонидан мақсад шундай қўйилмоқдаки, ҳар бир бола — бизнинг фарзандимиз, у ҳақдаги яхши-ёмон гап бизга ҳам тегишлидир. «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деганларидек, кўпчилик бўлиб ишга киришишимиз керак. Маҳалланинг кучи ҳам, таъсири ҳам шунда сезилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Хушвақтов.

Маҳаллалар тинч ва осуда бўлса, хонадонлар обод, юртимизда хотир-жамлик! Замондошларимиз қалбида яшашга, яратувчиликка, ижодкорликка иштиёқнинг кучайиши ҳам, аслида, шу неъматлар билан бoғлиқ эмасми?

Хулқар ТҲИМАНОВА

Hamkorlik hikmati

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Мамлакатимиздаги барча устоз ва мураббийларни, узоқ йиллардан буён университетимизда ёшларга илм сирларини ўргатиб келаётган профессор-ўқитувчиларни, академик олимларни, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз! Барчага тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!


Мустақил Ватанимиз — жонажон Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида йирик саноат корхоналарига иқтидорли муҳандис-техник ходимлар етказиб берувчи



АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ректорати,
профессор-ўқитувчилари ва
талабалари жамоаси мамлакатимиз аҳолисини,
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус,
Халқ таълими вазирликлари тизимида
меҳнат қилаётган фидойий ўқитувчиларни, ҳамкасбларни,
Ватанимиз шон-шухратини жаҳон шоҳсупаларидаги
илм-фан ва спорт беллашувларида юксалтираётган
иқтидорли ёшларни тарбиялаётган мураббийларни
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ
байрами билан самимий қутлайди!
Барчага тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам
соғлик, оилавий тотувлик, шахсий
ҳаётларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

**АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!**



Муаллим ҳақида гап кетса, Алишер Навоийнинг «Махбул-кулуб» асаридаги «Мактаб аҳли тўғрисида» фаслини ёдга оламан: «Инософ билан айтганда, ҳар қандай продали одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади. Мактабдор домла эса бир тўда болага илм-адаб ўргатади. Бунга нима етсин! Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми, идроки озлари ҳам бўлади. Муаллим шу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам, ўз муаллимига қуллук қилса арзийди. Бинобарин, шогирд шайх ул-усто ва қозилик даражасига кўтарилганда ҳам, устози ундан рози бўлса, тағри ҳам рози бўлади.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила».

ИҚТИДОРЛИ ҲУҚУВЧИ

ўзига хос психологик-педагогик
ёндашувни талаб этади

Ҳазрат таъкидлаганидек, таълим-тарбия иши оғир ва машаққатли, айна пайтда, савобли ҳамдир. Ҳуқувчи хоҳ зехнли бўлсин, хоҳ зехнсиз, ҳар икки ҳолатда ҳам ҳуқувчига осон эмас. Болага бола каби қараш, характери билан ҳисоблашишга тўғри келади.

Иқтидорли ҳуқувчини аниқлаш ва тўғри тарбиялаш чиндан ҳам мураккаб вазифа. Аввало, қобилиятли бола қандай аниқланади, деган саволга жавоб излаш керак. Бунинг учун яқма-яққа суҳбатлашиб, дастурга кирмаган масала, саволлар бериш, ёзма назорат ишлари, турли тестлар ўтказиш керак. Шу орқали боланинг фикр доираси, топқирлигини билиб олиш мумкин. Қобилиятли ҳуқувчилар бошқа тенгқурларидан характери билан ҳам ажралиб туради. Биз кўпинча «яхши бола» деганда асосан одоб-ахлоқини назарда тутамиз. Бироқ ҳаётда ҳамма одобли ўғил-қизлар яхши ўқимганидек, барча аълочи ҳуқувчилар ҳам ахлоқан тўқис бўлавермайди. Шу боис иқтидорли болалар билан ишлаш силлиқ кечмаслиги рости.

Шогирдларимдан бири жуда иқтидорли эди. Дарсдаги фаолиги, топшириқларни ўз вақтида бажариши билан бошқалардан ажралиб турарди. Табиийки, мен ҳам уни тенгдошларига ўрناк қилиб кўрсатардим. Аммо кейинроқ хато қилганимни сездим. У жуда ўзгарди. Синфдошларига нисбатан паст назар билан қараб, ўзини тенгсиз ҳис қиларди. Ҳатто дарсларда ҳам тақабурлиги, димоғдорлиги сезилиб бошлади. «Осмонга парвоз қилган» бу

ҳуқувчини қандай қилиб ерга қайтариш мумкин, деб бошим қотди. Бу каби муаммага ҳар бир ҳуқувчи дуч келиши мумкин. Ҳўш, шундай пайтда нима қилмоқ керак?

Мазкур масала, айниқса, бугун долзарб аҳамият касб этади. Мустақиллик йиллари таълимий ислохотлар натижасида иқтидорли ва қобилиятли йигит-қизларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор берилган бошлади. Айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитиш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Ана шундай билим масканларида таълим олаётган ўғил-қизлар орасида ҳам ўзига ортқча баҳо бериб юбрувчилар топилиши мумкин. Чунки бола психологияси ўзгарувчан, мақтовга мойил бўлади.

Вазиятни тўғри баҳолаш, ҳуқувчини сергаклантириб қўйишда педагогларга катта масъулият юкланади. Таълим нуқтаи назаридан иқтидорлиларнинг қобилиятсиз ҳуқувчилар олдида герда-йишига йўл қўйиш ярамайди. Синфда тенглик принципини сақлаб қолиш муҳим. Акс ҳолда, соғлом муҳитга путур етиб, «муаммоли» болалар кўпайиши ва ҳатто таълим сифати тушиб кетиши ҳеч гап эмас. Ачинарлиси, ҳуқувчида шундай салбий сифатлар шаклланишига ҳуқувчилар ҳам сабабчи бўлишади. Доимий мақтов, юқори баҳо қўйиш каби ҳолатлар ҳуқувчида димоғдорлик ҳиссини уйғотади. Бола онгда «мендан зўри йўқ», деган фикр шаклланади.

Айни шу жараёнда таълим-тарбияни уйғунлаштириш, педагогик-психологик ёндашув талаб этилади. Ўзига ишончи юқори, мақтанчоқ, ўжар, эътибор талаб болаларга панд-насихат қилиш бефойда. Яхшиси, уни ўзидан билимлик ҳуқувчи билан беллаштириш, мусобақалаштириш керак.

Бир неча йиллар аввал республика фан олимпиадасида Хоразм вилоятидан Насиба Қозоқова исмли «чертиб» гапирадиган, билимдон қиз қатнашди. Ҳар қандай кишида биринчи суҳбатдаёқ унинг ярқ этган истеъдодида хавас уйғонарди. Танлов якунида у 2-ўринни олди. Табиийки, ўзига ишонган ҳуқувчи ҳакамларга эътироз билдирди. Мутлақ голибнинг бажарган ишлари-

«аъло»га ўқирдим. 8-синфда сафимизга янги ҳуқувчи қўшилди. У биринчи гал рус тили дарсида саволларга жавоб бера олмади. Мен устидан қулдим. Аммо кейинги дарсда ўзим уялиб қолдим. Муаллимимиз шеърини парча ёдлаб келишни вазифа қилиб берган эди. Топшириқни айтилганидек бажардим. Ҳуқувчи мени мақтади. Шунда янги ҳуқувчи ҳам қўл кўтариб, муаллим тайинлаган парчадан уч ҳисса кўпини ёд айтиб берди: ургулар жойида, сўзлари бурро, талаффуз ҳам чиройли... Барча уни олқишлади. Мен ҳам ич-ичимдан қойил қолдим. Кейин билсам, мени сал «пасайтириб» қўйиш учун роса машқ қилибди, ҳатто рус мактабига бориб, маслаҳат олибди. Илмда мусобақа шундай бўлади. Рақобатлашаётганлар бир-бирини шу тарзда ҳалолу пок енгизиш керак.

Эътибор билан қаралса, ҳар бир болада истеъдоднинг учқуни бор. Фа-

БИЛАН ИШЛАШ



ни қизга кўрсатди. Насиба дафтарни синчилаб кўриб чиққач, секин-аста юзлари қизарди. «Мендан ҳам зўрлар бор экан, кечирасизлар», деди-ю, йиғлаганча хонадан чиқиб кетди. У яна ўқиб-изланиб, Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ)нинг математика факультети талабасига айлانган, учрашиб қолганимизда «Домла, мени кечиринг, ўшанда шаддодлик қилган эканман. Аслида, мендан кўчилилар кўп экан», деди хижолат чекиб.

Мени мактабда қобилиятлилар сафига қўшишарди. Ҳамма фанлардан

қат уни пайқаш, қўллаб-қувватлаш, тўғри рағбатлантириш керак. Иқтидорли йигит-қизлар ўз қобилиятини майда-чуйда нарсаларга сарф қилмаслиги учун аниқ мақсадни белгилаб олиши лозим. Энг асосийси, улар учун соғлом ижодий муҳит яратиб бериш зарур.

Мирфозил МИРЗААХМЕДОВ,
ТДИУ қошидаги аниқ фанларга
ихтисослаштирилган давлат
умумтаълим мактабининг
математика ўқитувчиси

Боланинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга хизмат қилувчи мактабдан ташқари муассасалардан бири Самарқанд вилоятининг Кўшработ туманида фаолият кўрсатмоқда. Туманда 87 умумтаълим мактаби бўлиб, барча ҳуқувчиларни айна «Баркамол авлод» марказига жалб этишда масофанинг узоқлиги жиддий муаммо туғдирарди. Бунга ечим сифатида янги 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб болалар сони кўп бўлган мактабларда бир неча тўғарақлар очилди.

Албатта, бунинг қулай жиҳатлари кўп. Гарчанд мактабларда касбий йўналишдаги тўғарақлар фаолият кўрсатсада, махсус ҳуқув дастурлари асосида боланинг илк касбий талабларини ўзлаштиришига кўмаклашадиган марказ тўғарақлари кўпроқ аҳамиятга эга. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига кўра ҳуқувчи ўқув йили охирига қадар ҳам назарий, ҳам амалий кўринишдаги машғулоти-

ларнинг доимий иштирокчиси-га айланади. Бунда боланинг хоҳиш-иродаси ва имкониятлари ҳисобга олинади.

— Туманимизнинг Жўш, Зармитан, Оқтепа, Пичотсой қишлоқларидаги умумтаълим мактабларида иш бошлаган тўғарақ раҳбарларини вақти-вақти билан чақириб, услубий ёрдам кўрсатмоқдамиз. Уларнинг кўпчилиги ўрта махсус, касб-хунар таълими даргоҳларини битиргани боис ҳали катта малака ва тажрибага эга эмас. Марказимизда 4 нафар услубчи бўлиб, мазмунан бир-бирига яқин тўғарақлар ишини ташкил этишда ёш мутахассисларга кўрсатма бериб боришади. Услубчилар янги ҳуқувчи йили арафасида ви-

лоят «Баркамол авлод» болалар марказида ўтказилган семинарда иштирок этиб, бу ҳуқувчи йилига қўйилган умумий талаб ва қиёдалар билан танишиб қайтишди. Улар ҳуқувчи йилининг дастлабки ойлариданоқ 15 нафар тўғарақ раҳбари ишини намунали ташкил этиш-

тўғарақ раҳбарининг бурчлари ва мажбуриятлари акс эттирилади. Ўз навбатида, ҳар бир ота-она билан ҳам шартнома тузилиб, томонларнинг ўзаро келишуви натижасида боланинг дарсдан ташқари бўш вақтини ташкил этишга қаратилган мақсад қамраб олинади. Марказнинг ўзида 150 нафар боланинг, мактабларда иш бошлаган тўғарақларда 300 нафар ҳуқувчининг ота-онаси билан худди шундай келишув ўрнатилган.

Ойша Мамасиддиқова, 1-умумтаълим мактабда ташкил қилинган «Бичиштиқиш» тўғарақи раҳбари:

— Мактабимизда ушбу тўғарақнинг очирилиши ҳуқувчиларга

ҳам, ота-оналарга ҳам манзур бўлди. Қиз боланинг тикиш-бичишдан хабардорлиги ҳар қандай шароитда керак. Ҳуқувчилар орасидан бу хунарга қизиқиши бўлганларнигина саралаб олдим. 30 нафар ҳуқувчи уч гуруҳга бўлинган ҳолда шуғулланмоқда. Ҳафталиқ машғулот 18 соатдан иборат бўлиб, асосий қисми амалий характерда. Ҳозир энг оддий бичиқдаги уй-рўзгор буюмлари — фартуқ, дастурхон, чойшаб, ёстиқ жилдини тикишни ўргатаймиз. Ҳуқувчиларимизга мураккаброқ кўринишдаги аёллар қўйлаги, халат сингари кийимлар бўйича мазкурлар ҳам киритилган.

Бугунги мактаб ҳуқувчисида касб-хунар эгаллашга мойиллик ва интилиш кучли. Демак, унинг қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш — долзарб вазифа. Ана шу катта мақсадни ўз олдига қўйган Кўшработ тумани «Баркамол авлод» болалар маркази жамоасининг вилоят ва республика миқёсидаги ютуқлари кўпроқ бўлишига умид қиламиз.

Хулқар Тўйманова,
«Ma'rifat» муҳбири

ТЎГАРАҚ МАКТАБДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

«Barkamol avlod» bolalar markazlarida

(Давоми. Боши газетанинг 73-, 75-сонларида.)

Ўлчам эффектлари

Макроскопик жисмларнинг ўлчамлари катта қийматдан, масалан, сантиметрдан узлуksиз равишда кичрайтириб бориладиганда, хоссалари аввал ўзгармай қолади, секин-аста ўзгара бошлайди. Ўлчамлар маълум бир критик қийматдан камайгандан эса жисмларнинг физикавий, кимёвий ва бошқа хусусиятлари кескин ўзгаради. Бу ҳодиса ўлчам эффекти деб юритилади. Ўлчам эффекти материалнинг термодинамик ва кинетик хоссалари унинг характеристик ўлчамлари ва шаклига боғлиқлигидан иборатдир. Масалан, кўп ҳолларда нанокристалларнинг ўлчамлари 10 нм. ва ундан кичик бўлганда, уларнинг кристалл панжаралари тури (ёки кристаллнинг структураси) ўзгариши натижасида нанообъектнинг барча физикавий ва кимёвий хусусиятлари кескин ўзгаради. Мисол тариқасида нанозарралар диаметри камайганда ферромагнетикларнинг суперпарамагнетикларга, ўлчам яна камайганда парамагнетикларга айланишини кўрсатиш мумкин.

Ўлчам эффектлари классик ва квант табиатига эга бўлиши мумкин.

Ўлчам эффекти жисмининг бир, икки ёки барча уч геометрик ўлчамлари унинг физикавий ёки кимёвий хоссаларини характерловчи параметрнинг ўлчамига яқин ёки ундан кичик бўлган ҳолда пайдо бўлади. Масалан, физик катталар — солиштирма электр ва иссиқлик ўтказувчанликлар электронларнинг кристалдаги ҳаракатига боғлиқ. Электронлар даврий жойлашган атомлар орасидан ўтганда улар билан тўқнашиб, сочилиди. Электроннинг бир тўқнашишдан иккинчи тўқнашишгача босиб ўтган масофаси эркин юриш йўли деб аталади. Агар нанозарранинг диаметри электронларнинг эркин юриш йўлидан кичик бўлса, электрон атомлар билан тўқнашмасдан, ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан ўтади. Электроннинг бундай ҳаракати баллистик режимдаги ҳаракат деб юритилади. Бу ҳолда мактабдан ҳаммамизга таниш Ом қонуни ўз кучини йўқотади.

Объектнинг ўлчами етарли даражада кичик ва температураси паст бўлса, квант ўлчам эффектлари юзага келади. Бу эффектлардан электроника, оптика ва ҳисоблаш техникаси қурилмаларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Квант ўлчам эффектларини тушуниш учун физикага мурожаат қилайлик. Маълумки, яқка жойлашган атом қобигидagi электронлар атоми тарқ этиб, чиқиб кета олайди. Электронлар ҳамма томондан чегараланганлиги туфайли уларнинг энергияси исталган қийматни қабул қила олмайд ва дискрет қийматларга эга бўлади. Атомлар бир-бирига яқинлашиб қаттиқ жисмни ҳосил қилганда электронлар энергиясининг дискрет сатҳлари яқинлашиб, зоналарни пайдо қилади. Ҳар қайси зонадаги энергиянинг қийматлари эса узлуksиз спектрни юзага келтиради. Бу спектр электронларнинг энергетик спектри деб юритилади.

Энди кўз олдимишга уч ўлчамли, томонлари 1 см. бўлган металдан ясалган кубни келтирайлик. Кубнинг бир томонини қирқиб ва йўниб 10 нм.гача кичрайтирамиз. У ҳолда куб қалинлиги 10 нм., узунлиги ва кенглиги 1 см.дан бўлган юпка қатлам ҳосил бўлади. Бундай қатлам икки ўлчамга эга, чунки кубнинг учинчи томонининг қалинлиги 10 нм.(наноўлчамли) ҳамда уни бошқа томонларига нисбатан ноль деб ҳисоблаш мумкин. Биламики, кубнинг ичиди металл атомларининг ташқи қобигидан ажралган "эркин" электронлар узлуksиз ҳаракатда ва уларнинг энергияси ҳам узлуksиз бўлади. Биз ҳосил қилган қатламда эса электронларнинг ҳаракати бир томондан чегараланган ва уларнинг бу йўналишдаги энергияси узлуksиз эмас, балки дискрет қийматларни қабул қила олади. Электронларнинг ҳаракати юпка қатламининг қолган икка-ла томони бўйича чегараланмаганилиги учун энергияси аввалгидек узлуksиз

Fan va hayot

бўлади. Маълум бир йўналишда электронларнинг энергияси дискрет қийматларга эга бўлса, шу йўналишда жисмининг хоссалари квант характер касб этади. Шунинг учун ҳам бундай юпка қатлам "квант ўраси" ("квантовая яма") деб юритилади.

Мулоҳазамизни давом эттирайлик. Агар кубнинг иккинчи томонини ҳам кичрайтириб, нано даражасига келтирсак, электронлар фақат бир томонлама ҳаракат қила олади. Қолган икки йўналишда эса электронларнинг ҳаракати чегаралангани туфайли энергияси дискрет қийматларга эга бўлади. Бундай тузилма (структура) "квант сими", "квант стержени" ёки "квант ипи" деб аталади. Никот, кубнинг учала томони ҳам наноўлчамда бўлса, ҳамма йўналишларда электронларнинг ҳаракати чегараланган ва энергияси дискрет бўлади. Бундай наноузилма "квант нуқтаси" дейилади. "Квант нуқтаси" энергиясининг дискретлиги яқка жойлашган атомнинг дискрет энергиясига ўхшайди. Шунинг учун баъзан "квант нуқтаси"ни "сунъий атом"

модданинг таркиби ва хусусиятлари унинг микдорига боғлиқ эмас. Амалда эса синтез қилишда қўлланилган ҳар хил усулларга мос ҳолда турли ўлчам ва шаклдаги нанозарралар олинади. Бу нанообъектларнинг хусусиятлари синтез қилиш усулларига боғлиқлигини кўрсатади.

Яна олтин мисолида нанотехнологияларнинг баъзи ўзига хос принципиал хусусиятларига тўхталайлик. Кўпчилик олимларга маълумки, агар кимёвий бирикмалар 10, 100 ёки 1000та атомдан ташкил топган бўлса, хусусиятлари бир-биридан ва, биринчи навбатда, яқка жойлашган атомлардан фарқ қилади.

Фикран атомлардан олтин нанозаррасини йиғайлик. Бунинг учун олтин атоми олиб, ҳамма томонларига бошқа олтин атомларини зич қилиб ёпиштирайлик. Бу ҳолда марказий олтин атоми атрофида 12та олтин атомдан иборат қатлам жипс жойлашади. Томонлари уч атомдан иборат куб ҳосил бўлади. Олтин атомнинг диаметри 0,288 нм.га тенглигини биринчи мақолада эслатган эдик. Шундай экан, биз ҳосил қилган 13та олтин атомлардан иборат, куб шаклидаги олтин нанозаррасининг диаметри

0,86 нм.га тенг. Чунки, кубнинг ҳарқайси томонида диаметри 0,288 нм.га тенг учтадан олтин атомлари жойлашган ($0,288 \times 3 = 0,86$). Кубни ташкил қилган 13 атомдан 12таси (92,3 фоиз) нанозарранинг сиртида жойлашган. Бу операция (муомала)ни давом эттириб, учинчи қатламни жойлаштирсак, нанозарранинг ўлчами

2 нм.га етади ва атомларнинг умумий сони 147та бўлади. Сиртдаги атомларнинг улуши 62,6 фоизни ташкил қилади. Қатламлар сони 100га етганда нанозарранинг диаметри 29 нм., атомлар сони 3 млн. ва сиртдаги атомларнинг улуши атиги 3 фоизни ташкил қилади. Бундай нанозарра кластер деб юритилади. Нанозаррани янги қатламлар билан қоплаганимизда, атомлар сони қатор қийматларга эга бўлган кластерларни ҳосил қиламиз. Бу сонлар 1, 13, 55, 147, 309, 561... структуравий сеҳрли сонлар деб юритилади. Бу сеҳрли сонлар кластер структурасига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, нанозарранинг ўлчами қанча кичик бўлса, сиртда жойлашган атомларнинг улуши шунча катта бўлади.

Нанозарра таркибидagi атомларнинг энергияси яқка жойлашган атомларнинг энергиясига нисбатан кам бўлади. Атомлардан нанозарра пайдо бўлганда энергия ажралиб чиқиди. Нанозаррадаги атомлар орасида ўзаро таъсир кучлари пайдо бўлади. Сиртдаги атомлар фақат ичкаридаги атомлар билан боғланган бўлиб, ташқарида координацион ўрин(валентлик) бўш бўлиб, ташқи муҳитнинг компонентлари билан боғланиш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам нанозарралар юқори кимёвий активликка эга. Нанозарраларнинг бу хусусиятидан кимёвий реакцияларни тезлаштиришда каталитизатор сифатида фойдаланилмоқда. Яқин келажикда платина ва палладий кати қийматбaho каталитизаторлар ўрнини нанозарралар эгаллашга шубҳа йўқ.

Кимёгарлар эритмада яқка атомларни олишни ўргандилар. Яқка жойлашган атом катта энергия ва жуда юқори реакция кучга эга. Бундай атомларни стабиллаштириш зарур. Бунинг учун эса уларга "тўн" кийдирилди. "Тўн" ролини органик молекулалар — лигандлар ўйнайди. Лигандлар металл атомлари билан реакцияга киришиб, уларнинг энергиясини камайтиради. Натижада металл атомлари бошқа металл атомлари билан биришмайди. Бундан ташқари, кимёгарлар бир-бири билан тўғридан-тўғри боғланган икки, уч ва ундан кўпроқ металл атомлари ва уларни ўраб турган лигандлардан иборат бирикмаларни олишга эришдилар. Бундай бирикмалар ҳам кластерлар деб юритилади.

Комил МУКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ФА академиги,
физика-математика фанлари
доктори, профессор

Давоми бор.

МУРАББИЙЛИК —
САОДАТ

Марказимизга кириб келган онахоннинг ёнида ҳамаси 4-5 ёшли болакайни қўриб:

— Келинг, келинг! — дея уларни қарши олдим.

— Биз сизни жуда яхши биламиз, Элмуроджон! Телевизорда кўп кўрганмиз, газеталарда ўқиганмиз. Мана шу неварам ҳам сиздек доирачи бўлсин, деб уни шу бугундан эътиборан қўлингизга топширмоқчиман, йўқ деманг.

Ийигичанинг исми-шарифи Носиржон Эргашев экан. Бувисизорда кўп орзу-хавас билан ва эзгу ниятда неварасини бу ерга бошлаб келиши замирида оддий ва азалий бир ҳақиқатни, яъни, халқимизнинг фарзандлар тарбиясига нечоғли масъулият билан ёндашуви, устоз-мураббийларга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиромини яна бир қарра ҳис қилдим.

Дарҳақиқат, устозлик мартабаси, обрў-эътибори ҳақида гап кетгудек бўлса, фарзандларимизни мустақил ҳаётга жисмоний, руҳий-маънавий ва касбий жиҳатдан турли тўғарак ва студияларда, уюшма ва марказларда тайёрлайдиган, бу йўлдаги машаққатларга ўз умрини, иродасини бахшида эта оладиган мураббийлар меҳнати ҳам эътироф этилади. Ана шундай минглаб мураббийлар меҳнати эвазига миллионлаб истеъдод эгалари кашф қилинади. Мураббийлар ўғил-қизларимиз билан спорт, бадий ижодиёт, мусика, санъат, ҳайкалтарошлик, ўлкашунослик, экология, техник ижодкорлик йўналишларида шугулланиб, уларнинг ҳамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун замин ҳозирлайди. Айниқса, истиқлол йиллари фарзандларимизнинг мактабдан ташқари таълим муассасаларига кенг миқёсда жалб қилиниши учун шарт-шароитлар тўбдан яхшиланади. Йўналишлар қўлайтирилади. Аввал бола битта тўғаракка қатнашган бўлса, ҳозир бир вақтнинг ўзида икки-уч соҳа бўйича шугулланиши мумкин.

Уттиз бир йилдирки, ёшлар даврасида бўлиш менга олам-олам завқ бағишлайди. Тез-тез ўз болалик давларимни эслайм, қўсамман. Доирачилик мактабини яратган соҳанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, раҳматли Тўйчи Иноғомовдан сабоқ олганман. У кишининг хатти-ҳаракатларидаги оталарча ғамхўрлик, мураббийларга ҳос синчиловик, кичкина ютуққа нисбатан катта эътироф бора-бора биз шоғирларнинг ҳам феъл-атворида сингиб кетган бўлса, ажаб эмас.

Илк бор учрашганда ҳар қандай бола мураббийдан ётираб, узини четга олиб туради. Икки-уч соатлик машгулотдан сўнг унинг бизга номаълум қирралари очила бошлайди. Бунинг учун биз мураббийлардан бола билан худди тенгқурдек суҳбатлашмиш, ота-онасидек ғамхўр ва меҳрибон бўлиш, тўғри йўлни кўрсатишда ҳаётини воқеалардан сузлаб бериш ва оқилона хулоса чиқариш талаб қилинади. Ана шундангина бола сизга қўнғинини очди, сизга қараб талпинди, яқин маслаҳатгуи сифатида тан олади.

«Ёш доирачилар» тўғаригида 100га яқин 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил болалар миллий чолғумизни чалиш сир-асрорларини ўрганишмоқда. Улар билан Холмурод Исмолов, Шерзод Шукуров ва мен шугулланамиз. Ўз мураббийларидан доира гардишига қўлини тўғри қўйиб, оҳанг таратишни ўрганадиган болалар бир-бирига разам солиб, ютуқ ва камчиликларини билиб оладилар. Доира чалишни аънаванавий ва мумтоз «Қўшқар» усулини мийридан сиригага ўрганган бола оркестрда ҳам, мусика ва санъат мактабларида ҳам бемалол ишлаб кетади. «Қўшқар» усулларида Ўзбек доира санъатининг барча қирралари жамланганини ҳар бир болага ўргатиш қийин жараён. Ҳафсига 18 соатлик ўзгача дастуруни ўлаштиришга базаван фурсатимиз етмай қолади, қўшмача вақт сарфлаймиш. Болаларнинг мусикани тинглаш ва хотирада сақлаш билиш даражаси ҳар хил бўлгани боис бири тўғри қалади, иккинчиси жиндек қалғиди. Шундай пайда созандани зўр қалаётган тенгқурдан ибрат олишга қаҳираман...


Мураббийлик — машаққат, аммо унинг ортда инсонга бахту саодат, обрў-эътибор бахшида этадиган манзил бор...

Элмурод ИСЛОМОВ,
Республика «Баркамол авлод» болалар
ижодиёти маркази «Ёш доирачилар»
тўғарига раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист

Гулчехра АЗИЗОВА,
санъатшунос

ХОТИРАНИ БОШҚАРИШ
КАЙФИЯТНИ ЯХШИЛАЙДИ

Депрессия пайтида инсон ҳаётидаги барча салбий ҳолатларни эслаб, ўзини янада қийин аҳволга солар экан. Лекин агар у хотирасини бошқаришни ўрганса, кайфиятини вақтида яхшилашга эришиб, бу ҳолатдан осон чиқиб кетиши имкониятига эга бўлади. Эрондаги Исфаҳон университети психологлари британиялик ҳамкасблари билан биргаликда ёдда сақлаб қолишни машқ қилиш орқали яхши хотираларни эслаб, депрессиядан тез халос бўлиш мумкинлигини аниқлашди. Мавзуга оид мақола «Клиник психологик илм» («Clinical Psychology Science») нашрида берилди.



Тажрибада уруш пайтида отасидан айрилган 20дан ортиқ кўнгилли иштирок этди. Уларнинг барчасига ижобий, нейтрал ва салбий 18та сўз ёдлатилган. Сўнгра мазкур сўз билан


боғлиқ бирор нарсани эслаш таклиф этилган. Хотиралар эса махсус ва оддий каби турларга ажратилган. Шу билан бирга, ўсимирлар депрессия ва хавотир даражасини белгиловчи тестдан ҳам ўтишган.

Беш ҳафта давомида иштирокчиларнинг бир қисми мунтазам равишда 80 дақиқали тренингларга қатнаб, у ёки бу калит сўз билан боғлиқ бирор хотирани таклиф асосида эслашни ўрганган. Кейин яна 18та сўзли синондан ўтишган. Икки ойдан сўнг яна шу ҳолат такрорланган.

Маълум бўлишича, машқлар эслаб қолиш қобилиятининг ижобий эканини намоён этиган ва, энг муҳими, болаларда депрессия даражаси пасайган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, изланиш ёдда сақлаб қолиш вазифасини бажарувчи алоҳида мия қисмларини назорат қилиш ва шу йўл билан кайфиятни ҳам бошқаришга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

АВВАЛ НУТҚ, СЎНГРА ТОВУШ
ЎКИ АКСИНЧА?

Инсон мияси нутқни мусиқанинг бир шакли сифатида, яъни товушларни аввалга маълум баландлик ва тембрдаги ритмик мажмуа, кейинчалик эса маъно ифодаловчи тўплам сифатида қабул қилиши эҳтимолдан холи эмас экан. Сўз дароқ айтганда, ривожланаётган мия мусиқа орқали нутқни шакллантириши мумкин, дейишмоқда океанортлик мутахассислар. Мавзуга оид янгилик «ФизОрг» манбасида берилди.



Кўпчилик олимлар инсон аввал нутқни, сўнгра эса мусиқани англай бошлайди, деган нуқтаи назар тарафдори. Лекин АҚШдаги Райс университети тадқиқотчилари бунга қарама-қарши фикрда.

Яъни, инсон мияси аввал мусиқани идрок эта бошлайди: одам олдин мавҳум товушларни қабул қилади, сўнгра уларни маъно билан безаб нутққа айлантиради.

Олимлар янги туғилган чақалоқларнинг товушларни фарқлашини кузатишган. Кичкинтойлар эътиборини товуш баландлиги, ритми ва тембрга — нутқни мусиқага яқинлаштирувчи акустик хусусиятларга қаратиши аниқланган. Катта одам биринчи ўринда маънони излаб, у ёки бу сўз нимани англатишини қидираркан. Бола эса такрорланувчи ёки такрорланмас товушларни солиштириб, ўхшашлик ёки фарқни аниқлайди.

Болаларнинг олдиниға тилларни ҳам фарқлашмаслиги, яъни бир ёшдан ўтуғунча она тили ва чет тили ўртасидаги тафовутни билмаслиги мазкур қарашнинг тўғрилигиға далил сифатида келтирилмоқда. Мусиқа борасида ҳам худди шу гап-




ЭТИШМОҚДА.

НАНОНАЙЧАЛАР —
ГОЛОГРАММА АСОСИ

Буюк Британиядаги Кембриж университети олимлари кўпқаватли углерод нанонайчалари ёрдамида голограмма — уч ўлчамли тасвирнинг янги шаклини яратишга муваффақ бўлишди. «Тақомиллашган материаллар» («Advanced Materials») нашрида бу ҳақида маълум қилинди.

Тасвир ёруғлиги махсус голографик материалга тушиб турган лазер ёрдамида яратилган. Унга алоҳида тартибда кўп қаватли углерод нанонайчалари вертикал жойлаштирилган. Лазер нури электр токини ўтказувчи нанонайчалар билан таъсирлашиб, фазаси ва тезлигини ўзгартирган. Нанонайчаларнинг жойлашуви шундай ташкил этилганки, уларда акс этаётган ёруғлик тўқинлари дифракцияси (тўқинларнинг тўсиқдан айланиб ўтиши) «CAMBRIDGE» сўзи тасвири бўлган ёруғлик майдонини ҳосил қилган. Тасвирнинг тиниқлиги 45 минг пиксель бўлган. Голограмма янги технология муаллифлари тадқиқот олиб бораётган университет номини акс эттирган. Олимларнинг таъкидлашича, янги усул юқори тиниқлик ва кўриш бурчагидаги голограммаларни яратиш имконини беради.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР —
СЕМИЗЛИК ОМИЛИ

Ирландиядаги Ольстер университети тадқиқотчилари энг фаол ёшлар қатлами ҳисобланган талабалар ўртасида ноодатий изланиш ўтказди. Бунда улар таълим олувчиларнинг кунлик жисмоний юкларини аниқлашни мақсад қилишганди, дейишди «Компьюлента» манбасида.

Жараёнда маълум бўлишича, ҳатто интилувчан талабалар ҳам ижтимоий тармоқлар билан «дўстлашган»дан сўнг оддий ҳаракатларни ҳам бажармай қўяди, кўпроқ вақтини интернет сайтларига сарфлаб, тана фаоллигини сусайтиради. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ижтимоий тармоқлар бошқа қурдаги фаолият (хусусан, жисмоний ҳаракат)га вақт қолдирмай, етарлича ҳаракат қилишни ҳам чеклайди. Жисмоний юкларнинг камлиги туфайли талабалар вазни метёридан 1-2 килограмм ортиқлиги аниқланган.

Ёшларнинг сўровномада билдиришича, улар бир кунда камиди 1 соат вақтини ижтимоий тармоқлардаги мулоқотларга сарфлайди. Табиийки, тармоқдаги суҳбат қанча чўзилса, жисмоний ҳаракат ҳам шунча кам бўлади. Олимлар эса семизлик бу ҳали бошланиши, соатлаб ҳаракатсиз ўтириш келгусида саломатлик билан боғлиқ қатор муаммоларни юзага чиқариши мумкин, дея огоҳлантиришмоқда.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА
тайёрлади.

Ливан ҳукумати томонидан ҳудудий сувларнинг геологик тадқиқоти учун ёлланган Буюк Британиянинг «Спектрум» («Spectrum») компанияси мамлакатда захираси ҳозирча 710 миллиард куб метр, қиймати эса 40 миллиард доллар дея баҳоланётган табиий газ конларини аниқлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти номаълум касалликка чалинган қатарлик фуқарони тиббий текширувдан ўтказгач, тахминларга кўра Саудия Арабистонида юқтирилган, буйрак фаолияти сустлиги билан кузатиладиган ўткир респиратор хасталигини ривожлантирувчи янги турдаги коронавирус аниқланганини расмий равишда эълон қилди.

Непалдаги Катманду аэропорти яқинида мамлакатнинг шимоли-шарқидидаги Лукла шаҳрига қараб йўл олган, бортида 16 нафар йўловчи ва 3 нафар экипаж аъзоси бўлган лайнер ҳавога кўтарилгач, тахминларга кўра қуш билан тўқнашиб кетиши оқибатида қулаб тушган, воқеа жойига етиб келган қутқарувчилар эса ҳеч кимнинг ҳаётини сақлаб қололмаган.

Германия гарбидидаги «Компо» («Compo») фирмасига қарашли ўғитлар омборида ёнғин содир бўлиши оқибатида ҳосил бўлган ачиқ тутулни булутнинг зарарли газларидан заҳарланиш хавфи юқорилиги бонс Дюссельдорф ва Дуйсбург ўртасидаги Рейн дарёси бўйлаб кемалар қатнови ҳамда шу ҳудуддаги кўприкда автомобиллар ҳаракати тўхтатиб қўйилди.

Жанубий Кореядаги Куми шаҳрининг йирик саноат мажмуасига қарашли кимё заводида туз кислотасини қуйиш пайтида портлаш содир бўлиб, 4 нафар ишчи ҳалок бўлган, яна бир нечтаси оғир жароҳат олган, барча ишчилар ва яқин ҳудуддаги аҳоли шошилишчи равишда эвакуация қилинган.

Азиз устоз ва
мураббийлар!

Барчангизни улуг айём — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами билан чин юракдан қутлаймиз!

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларга ҳамонанг тарзда архитектура ва қурилиш соҳасига маалакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар, педагогларимизнинг келгусидаги ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида фидойиларча меҳнат қилаётган Сиз азиз шарафли касб эгаларига доимо сихат-саломатлик, улкан зафарлар ҳамроҳ бўлсин.

Эҳтиром ила
Тошкент архитектура-қурилиш
институтини 2-босқич талабалари

... У мактабини жуда-жуда яхши кўради. Шунинг учун ҳам битириш арафасида сеvimли масканига ўз қўли билан ойлари давомида ясаган ишини совға қилмоқчи бўлди. Бу тухфани шундай тортиқ этсинки, ҳамма хайратлансин, қувонсин. Эҳтимол унинг келажакига ишончлари борлигини изҳор этишар, балки камчиликларидан сўз очишар. Нима бўлганда ҳам у ўзи учун энг азиз бўлган — қалбининг кат-қатидаги туйғуларини муҳассасам этган меҳнати маҳсулини кўпчилик муҳоамасига топширишга қарор қилди. У бу ишни ҳеч қутилмаганда амалга оширгиси келди ва яқшанба кuni қоровулга ҳам кўринмай мактаб фойёсининг бир бурчиға ясаган ҳайкалини ўрнатиб кетди. Тун бўйи ухломлади: унинг бу тортиғи ўзи учун азиз бўлиб қолган гўшасига эсдалик учун қолдиришга арзиримикан? Устозлари нима деркан? Дўстлари устидан кулишса-я?! У шу ўйлар билан эртасига тонг саҳарда ҳаммадан бурун қадрдон даргоҳига етиб келиб бекиниб олди. У яширинча кўпчилик ишини қандай қарши олишини кузатгиси келар, ҳаяжон билан уни қутлашларига умид боғларди. Лекин соатлар ўтиб ўқитувчи-ўқувчиларнинг ак-

сарияти мактабга етиб келган бўлса-да ҳеч ким унинг иши томон назар ҳам ташламасди. Ана ҳатто «Пашша учса ҳам сезадиган» директор ҳам шошилганча хонаси томон ўтиб кетди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, «Сўнгги кўнғирок» тадбири барчани банд этиб қўйган эди гўё... Унинг ҳафсаласи пир бўла бошлади. «Эҳтимол ури-нишларимдан ҳеч нарса чиқмас?!» деган оғриқли ўй ҳам ўтди хаёлидан. У энди кўриниш бериб, асарини қўлтиқлаганча уйига қайтиб кетишни режалаштираётган ҳам эди, узокдан сеvimли тасвирий санъат фани муаллимаси кўринди. Негадир бирдан кўнгли ёришди. Юраги сезган экан, устози оstonадан кириб бурчак томон нигоҳларини қадаганча, «Албатта, бу Равшанимнинг иши!» дея чапак чалиб юборди. Бир зумда ҳамма тўланди. Шу кuni ўзи кутганидан ҳам кўра кўпроқ суюнтиришди, қутлашди... Оқдй муаллиманинг ана шу эътибори, меҳри ва ишончи Ўзбекистондаги биринчи халқ рассоми, етук ҳайкалтарош, ўнлаб хорижий мамлакатларда маҳобатли асарлари қад ростлаб, Ўзбекистоннинг улғулиги, буюклигини намойиш этиб турган Равшан Миртожиевнинг «Албатта ҳайкалтарош бўлман!» деган аҳдига қанот боғлади.



Ehtirom ramzi

ратни шоир сиймосида, Япониядаги ҳайкал орқали эса давлат арбоби, сўз мулкининг беназир султони сифатида, Озарбойжонда қўлида асо, халқ ичига бардам кириб бораётган дўстлик, тинчлик, биродарлик, эзгулик тарғиботчиси, буюк аллома тимсолида кўришимиз мумкин.

атинг бу турига қизиқаётган ёшлар сафи кенгайди. Улар орасида қизлар ҳам борлиги кишини суюнтиради. Ботир Ҳақимов, Сакина Мухаммаджонова, Жасман Анназаров сингари шоғирдларимнинг турли халқаро анжуманларда муваффақиятли иштирок этаётгани мени қувонтиради. Мамлака-

ЭЪЗОЗДАН ЯРАЛГАН ДОНИШ СИЙМОСИ

Истиқлол ва ҳайкалтарошлик санъати

— Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда ҳайкалтарошлик санъатининг ривожланишига ҳукуматимиз раҳбарияти, шахсан Юртбошимиз томонидан катта аҳамият берилди, — дейди Равшан ака биз билан суҳбатда. — Шу ўринда Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридан олинган қуйидаги сатрларга эътибор қаратишнинг ўзидек фикримизни далиллайтиди: «... Баъзи бир миниатюра асарларини ҳисобга олмаса, ўз вақтида Амир Темурнинг портрет-сурати чизилмаган. Лекин ушбу миниатюралар Амир Темурнинг бетакор шахсиятини ҳар томонлама тўлиқ ва ҳаққоний акс эттира олмаслигини тушуниш қийин эмас... Кўпчилигимиз уни шўрлар даврида антрополог-ҳайкалтарош М.Герасимов «яратган» кўрқинчли бюст орқали билардик, холос». Ҳа, биз соҳибқирон бобокалонимиз қиёфасини ана шундай совуқ, шафқатсиз бир инсон сифатида «тасаввур» этишга мажбур эдик. Агар ҳайкалтарошлик санъатининг маънавий тарбия бобида тутажақ ўрнини ҳисобга оладиган бўлсак, бу бюстдаги қиёфа талқини кимга нима ни ўргатган ва кимни нима-ларга ундаган? Ўнта ишдан тўққизтасини кенгашу машварат билан эзгулини асл мақсадга айлантириб адо этган Амир Темурнинг истиқлол йилларида Тошкенту Самарқандда, Шахрисабзда қад ростлаган маҳобатли ҳайкаллари орқали эса биз қатъий азму шижоат соҳиб, улғувор, ҳақгўй, мардона ва донишманд сиймони кўрамиз. Ана шу «танишув» кўнглимизда гурур, ифтихор туйғуларини уйғотади. Катта ва хайрли мақсадлар сари йўлаб туради. Ким эдигу, ким бўлмоғимиз кераклигини сўзлаб туради гўё. Фарғонада Аҳмад Фарғоний, Урганда Муҳаммад Мусо Хоразмий ва Жалолиддин Мангуберди, Термизда Алломиш, Тошкенту Навоий шахрида Алишер Навоий.

Ватанга қасамёд ёки Навоийни «излаб»

2010 йил Ватан ҳимоячилари байрами арафасида бевоcита Юртбошимизнинг ташаббуси, раҳнамолиги билан пойтахтимизда «Ватанга қасамёд» мажмуаси бунёд этилди. ... Қўлида автомат тутиб турган, эски тизим мафкурасини ифода этадиган, совуқ қиёфа аскар ҳайкали ўрнига ҳарбий салоҳиятимиз, Ватанимиз қудратининг тимсоли бўлган бундайди муаззам монументини яратиш вазифасининг Равшан акага юклатилиши ундан жуда катта маҳорат, масъулият талаб этди. Мазкур асарда ҳайкалтарошлик санъатида ниҳоятда кам учрайдиган турли ранглар уйғунлигидан фойдаланилди. Яъни, байроқ ва давлатимизнинг бу муқаддас рамзини лабларига босишга ҳозирланиб турган ўғлон сиймоси мисдан, дилбандини қўлларини дуога очиб, юрт хизматига кузатаётган она ва кўрғон тимсоли эса ташдан ишланди. Айни пайтда бу асар Президентимиз иборалари билан айтганда: «Бу баҳодир эр йигитнинг қадди-комати, мардона қиёфасига қараб, фарзандларимизнинг юрагида, қалбида «Мен ҳам жасур акам сингари ҳарбий бўлман, ўз уйимни, ўз юртимни, ота-онам ва қадрдонларимни ҳимоя қиламан», деган қатъий қарор пайдо бўлиши шубҳасиздир».

Катта сарф-ҳаражатлар, но-зик дид ва меҳнатлар талаб этувчи ҳайкалтарошлик санъатиға ҳукумат миқёсида эътибор қаратилиши Равшан Миртожиевни илҳомлантирди. Йиллар давомида орзу қилгани Алишер Навоий (Москва, Япония, Озарбойжонда), Бобур (Андижонда), Абдурауф Фитрат (Бухорода), Камолiddин Бехзод (Хитойда), Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек (Қоҳирада) сиймоси сингари ўнлаб асарларининг яратилишига замин яратди.

— Хабарингиз бор, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратларининг 550 йиллик тўйи Истиқлолимизнинг дастлабки йилга тўғри кел-

ди. Эътироф этиш жоизки, фақат ўзга мамлакатларга хомашё етказиб берувчи маконга айланиб келган юртимизда бу давр анчагина қийинчиликларга дуч келинди. Шундай бўлса-да муҳтарам Президентимиз ўзлари улғу бобокалонимизнинг маҳобатли ҳайкалини яратиш ишларига бош бўлдилар. Айни кунда халқимизнинг энг гўзал байрамлари катта шоду хуррамлик билан ўтказилаётган Миллий бокка Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилиши халқимизни беҳад руҳлантирди. Ҳайкалнинг усти гўмбаз билан ёпилиб, тўрт тилда шoirнинг дўстлик ва биродарлик, тинчликка ундовчи байтлари битилиши ҳайкалтарошлик санъатида катта янгиллик бўлди.

Хорижий мамлакатларда нечта асарим ўрнатилган бўлса, барча ишлар ўша юртларнинг раҳбарияти томонидан махсус тақдирлар, ҳатто тўғридан-тўғри Юртбошимизга қилинган муножаатлар босиб бунёд этилган. Бундай муносабат эса улғу сиймоларимизга, мустанкил диёримизга, ўзбек ҳайкалтарошлик санъатиға дунё аҳлининг иззат-икромиди далилдир. Мен учун, айниқса, Алишер Навоий сиймосини яратиш жуда катта масъулият юклатди. Иш жараёнида унинг асарларини қайта ва қайта варақлаб чиқдим. Ўша давр тарихини изчил ўрганишга тўғри келди. Алломанинг руҳий ҳолатини ҳис этиш учун ғазаллари мағзини қақишга уриндим. Камолiddин Бехзод миниатюраларидан Навоийнинг кўз қарашлари, нури чехралари ифодасини қилдим. Ҳазрат билан ғойибона суҳбатлар қурдим. Изланишлар менинг улғу сиймоға бўлган меҳрим, муҳаббатимни янада оширди, унга ақинашларни торабди. Ана шундай ҳарорат, ҳаяжонлар ичида қалбимда жўш урган эъзоз, эҳтиромдан яралди асарларим, десам ҳеч қандай мулоҳаза бўлмас!

Сидқидилдан қилинган меҳнат самарасида Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкаллари яратилди. Бу асарларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эга. Москванинг марказий қўчаларидан бирида ҳаз-

Тошга жону тил бағишлаш осонмас...

... Ҳайкаллар фақат маҳобат ва кўрк бериб турувчи асар сифатида яратилмайди. Уларда шахс ва замон руҳияти бор. Қарашлар, қад ростлашу тўришлар, имо-ишора-у қўлдаги ашёлар, бу ашёларнинг қандай тўтилиши... ҳамма-ҳаммасида катта маъно, мантқиқ, мақсад муҳассас бўлмоғи керак. Ўз асарларида шу каби талабларни акс эттира билмоқ учун эса ижодкордан чуқур билим, инсон оламини идрок эта олмақ сингари фазилатлар талаб этилади.

— Ҳайкалтарош адабиёт, шеърятни севмоғи, тарих, биология, психология сингари илмларни синчиклаб ўрганмоғи керак, — суҳбатимизга якун ясарканмиз тўхталиб ўтади Равшан ака. — Ундан, шунингдек, физика, математика, кимё фанларига ҳам меҳр қўймоқ талаб этиладики, қоришмаларни меъёрида қўллаш, пайвандлаш ишлари, қарқазларнинг аниқ ўлчамларини олиш, асар бўлакларини тўғри जोлаштиришда эгалланган билимлар ниҳоятда асқотлади. У, албатта, расм чизиш қобилиятиға эга бўлиши шарт. Кейинги йилларда санъ-

... Тўртинчи синфда ўқийтган болакай расм дарсига меҳр қўя-қўя ўзини топиб олгандай бўлди. У қўлга тушган ашёдан ҳайкалчалар ясай бошлади. Бу иқтидорни сезган муаллимаси Лилия Михайловна Оксенбург қўлидан етаклаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги университет)нинг ҳайкалтарошлик кафедраси мудири Абдумўмин Бойматов ҳузурига бошлаб борди. Бир назар билан эндигона куртак ёза бошлаган истеъдодни кўра олошдек мураббийлик маҳорати Равшан Миртожиевни ёруғ манзиллар томон бошлади... Бу-гун у устозларини эҳтиром билан тилга олади. Ўзи қатор йиллардан бўён фаолият юритаётган Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини томон қадам ташлаган ҳар бир иқтидор соҳибини қадрлашга, уларга муаллимларидан кўрган ғамхўрликларини қайтарашга ҳаракат қилади.

— Ўзбекистон муаллимлари энг бахтиёр устозлардир, уларга табригим, бекиёс ҳурматимни газета орқали етказайтганимдан бахтиёрман. Байрамнинг муборак бўлсин олижаноб қалб соҳиблари, мураббийларим! Асарларимдаги меҳр, муҳаббат балки турган чизгиларни Сизнинг юрагингиз ҳароратидан кўчирайтирман, — деди ҳайкалтарош такор-такор, биз билан хайрлашар экан.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XALQ TA'LLIMI VAZIRLIGI HUZURIDAGI
МУЛЬТИМЕДИА УМУМТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

АЗИЗ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!

Барчангизга 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар
куни умумхалқ байрами муборак бўлсин!

Мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотларни
янада изчил давом эттириш ҳамда ёш авлодни Ватанга
муҳаббат, миллатимиз ва халқимизга садоқат руҳида
тарбиялашдаги сермашаққат, айна дамда шарафли
касбингизда омад ҳамда зафарлар ёр бўлсин!



Мультимедиа умумтаълим
дастурларини ривожлантириш
марказининг қуйидаги
хизматларидан фойдаланинг:

- веб-технологиялар асосида
дастурий таъминотлар,
веб-сайтлар ва бошқа дастурий
воситаларни яратиш;
- электрон ахборот-таълим
ресурслари, виртуал
лабораториялар ва
видеодарсларни яратиш;
- раҳбар ходимлар ҳамда
ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакаларини ошириш
бўйича махсус тренинг
курсларини ишлаб чиқиш ва
ўтказиш.



(+99871) 223-16-31, 223-16-39



www.multimedia.uz



e-mail: multimedia@xtv.uz

«Ma'rifat» ҳамда «*Учитель*»

газеталарига обуна бўлсангиз:

Таълим-тарбия соҳасига оид Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари билан тезкор равишда танишиб борасиз

Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан узлуқсиз таълим жараёнини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилаётган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўз вақтида эга бўласиз

Барча ўқув фанлари бўйича бериладиган илғор методик тавсиялар, янги услублар ҳамда намунавий бир ишланмаларидан машғулотларингиз самарасини оширишда фойдаланасиз

Республикада фаолият кўрсатаётган ҳамда хорижлик ҳамкасбларингизнинг таълим-тарбия соҳасида қўлга киритаётган улкан ютуқлари ва бой тажрибаларидан баҳраманд бўласиз

Мамлакатимиз ҳамда чет эллик мутахассис-олимлар, зиёлиларнинг ёш авлод маънавиятини юксалтириш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан ҳимоялашга қаратилган фикр-мулоҳазалари, амалий таклифлари маънавий-маърифий фаолиятингиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади

Барча соҳалар бўйича мамлакатимиз ҳамда дунё илм-фани янгиликларидан барвақт хабар топасиз ва қизиқувчан ўқувчингизнинг ҳар қандай мураккаб саволларига тезкор жавоб бериш имкониятига эга бўласиз

Республикада таълим тизими ҳаётида рўй бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалар ҳамда жойларда эришилаётган ютуқлардан доимий равишда хабардор бўлиб борасиз

Мамлакатимиз ва хориж майдонларида ўтказилган кизгин спорт мусобақалари натижаларидан тезкор хабар топасиз, ўз ўқувчиларингизнинг спорт, музика ва санъат бўйича нуфузли халқаро тадбирлардаги муваффақиятлари ҳақида ўқиб, фахр ва ғурур ҳиссини туясиз

Қаламинини қўлдан қўймай келаётган таниқли шоир, ёзувчиларнинг ва эндигина ижод оламига кириб келаётган умидли ёшларнинг янги асарларини биринчи бўлиб ўқиш бахтига муяссар бўласиз

«Ma'rifat» ва «Учитель Узбекистана» газеталари — Сизнинг минбарингиз!

«Ma'rifat» газетаси бўйича:

«Энг яхши мақола» — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорига;
«Оригинал бир соатлик дарс» — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорига;
«Сермазун саҳифа» — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорига;
«Энг яхши очерк ёки эссе» — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорига;
«Педагог-муаллифнинг долзарб материал» — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорига;
«Қизиқарли интервью, суҳбат» — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорига;
«Жозибали сурат» — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорига;
«Самарали методик материал» — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорига;
«Тарбияга оид амалий таклиф» — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорига;
«Қўшимча бадиий асар» — энг кам ойлик

иш ҳақининг 2 баравари миқдорига;
«Воқеаликка муносиб шарҳ» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорига;
«Ўзига хос янгилик» — энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорига;
«Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорига;
«Энг сара таржима материал» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорига;
«Мазмунли таълимий бошқотирма» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорига;
«Ҳозиржавоб муштарий» («Акс-садо») — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорига;
«Энг яхши репортаж» — энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорига.

Тахрират томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган «Фаслининг энг яхши ижодкори» танловига тегишли номинатсиялар бўйича ижодий ишларингиз билан иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларингиз, тажрибаларингиз ҳамда амалий таклифларингизни ҳамкасбларингиз билан ўртоқлашин, шу баробарида белгиланган мукофотга сазовор бўлишингиз мумкин!

«Учитель Узбекистана» газетаси бўйича:

«Лучшая разработка урока» — в размере трех минимальных зарплат;
«Лучшая статья» — в размере трех минимальных зарплат;
«Инновационный педагогический опыт, методика» — в размере двух минимальных зарплат;
«Актуальное интервью, беседа» — в размере двух минимальных зарплат;
«Хорошая новость» — в размере одной минимальной зарплат;
«Оригинальный фотоснимок, художественная работа» — в размере одной минимальной зарплат;
«Лучший материал студента-журналиста» — в размере одной минимальной зарплат.

Ma'rifat

Наши курсатки
Имтиёзли обуна (жорий йилнинг 30 ноябрга) учун — 149,
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 150.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» ҳамда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияларининг жойлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

Учитель

Наши курсатки
Имтиёзли обуна (жорий йилнинг 30 ноябрга) учун — 216,
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 217.

Boshlang'ich ta'lim

jurnali jamoasi

1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni
umumxalq bayrami bilan ushbu sharaflı kasb egalarini muborakbod etadi!

Siz azizlarga kelajak avlodni tarbiyalashdek mashaqqatli yo'lda muvaffaqiyat tilaydi!
Bu xayrli ishda «Boshlang'ich ta'lim» jurnali sizga hamkor ekanidan mamnunmiz!



*Suyumingiz
muborak,
aziz ustozlar!*

Yakka tartibdagi obunachilar uchun nashr indeksi: 802
Korxona va tashkilotlar uchun nashr indeksi: 803